БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 183 (414)

14 СЕНТЯБРЬ ЧОРШАНБА 1955 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар.

ГФР делегацияси бошлиғи Канцлер **К. Аденауэрнинг** 1955 йил 10 сентябрьдаги баёноти (2-нчи бет).

ГФР ташқи ишлар министри **Г. фон Брентано** жанобларининг 1955 йил 10 сентябрьдаги баёноти (2-нчи бет).

СССР Олий Совети Президиуми а'зоси **Н. С. Хрушчевнинг** 1955 йил 10 сентябрьдаги нутқи (2-нчи бет).

СССР ташқи ишлар Министри **В. М. Молотовнинг** 1955 йил 10 сентябрьдаги нутқи (2 ва 3-нчи бетлар).

ГФР ташқи ишлар Министрлигининг статс-секретари **В. Хальштейннинг** 1955 йил 10 сентябрьдаги баёноти (3-нчи бет).

СССР Министрлар Совети раиси Н. А. Булганин ҳузурида Германия Федерал Республикасининг Федерал Канцлери К. Аденауэр жанобларига шарафига қабул маросими (1-нчи бет).

А. Ивахненко. — Пахта йиғим-теримида юксак уюшқоқлик учун (3-нчи бет).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ўнинчи сессиясида қатнашучи СССР делегацияси (4-нчи бет).

Илмий-техника ҳамкорлиги юзасидан Совет-Герман комиссиясининг сессияси тўғрисида ахборот (4-нчи бет).

Техникани тараққий этдириш учун кураш ва матбуотнинг вазифалари

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми социалистик саноатни янада зўр бериб юксалтириш, саноатда техникани янада тараққий этдириш, меҳнат унумдорлигини тобора оширишнинг жанговар программасини белгилаб берди. Пленум партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг саноат соҳасидаги жуда муҳим вазифаси халқ хўжалик планининг бажарилишини та'минлаш билан бирқаторда ишлабчиқаришнинг техника савиясини бутун чоралар билан оширишдан иборат эканлигини кўрсатди.

Саноатни янада юксалтириш соҳасида партия томонидан ишлаб чиқилган программани амалга ошириш учун курашда совет матбуоти муҳим роль ўйнамоғи керак. Партиянинг жанговар пропагандисти, агитатори ва меҳнаткашларнинг ташкилотчиси бўлган матбуотимиз хўжалик-иқтисодий масалаларни ёритишда бой тажриба тўплади.

Совет матбуоти буюк Ленинининг экономика масалаларига катта э'тибор бериш зарурлиги ҳақидаги кўрсатмаларини бажариб, саноатни ривожлантириш учун, янги техникани ўзлаштириш учун, техникани тараққий этдириш учун олиб борилаётган умумхалқ курашида актив иштирок этмоқда. Газета саҳифаларида ёритилаётган темаларнинг доираси кенг ва хилма-хилдир. Газета саҳифаларида илғор техникани жорий қилиш, технологияни такомиллаштириш масалалари ҳам, ишчиларнинг маданий-техника савиясини ошириш, меҳнатни ташкил этиш, нормалаш ва меҳнатга ҳақ тўлаш масалалари ҳам ёритилмоқда.

Кейинги вақтларда марказий ва маҳаллий газеталарда саноатни ривожлантиришга доир жуда муҳим масалалар юзасидан мазмундор мақолалар ва хабарлар э'лон қилинмоқда, илғор корхоналарнинг ва ишлабчиқариш новаторларининг тажрибаси кенгроқ пропаганда қилинмоқда. Газеталар янги техникага етарлик баҳо бермаётган, новаторларнинг йўлига тош солаётган хўжалик раҳбарларини тез-тез танқид қиладиган бўлиб қолдилар.

«Ворошиловградская правда» газетасининг ташаббуси диққатга сазовордир. Бу газета касаба союзлари область совети билан биргаликда корхоналарда, қурилишларда ва темир йўл транспортида рационализаторлик таклифлари ва ихтиролларнинг қандай жорий қилинаётганлигига жамоат кўриги ўтказди. Рейд бригадаларида газетанинг ижкш мингдан ортиқ активлари — ишчилар, инженерлар, техниклар, хизматчилар, заводлардаги кўп тиражли газеталарнинг ходимлари қатнашадилар. Кўрик материаллари газета саҳифаларида босиб чиқарилмоқда. Кузбасс газеталарида илғор ишчиларнинг, шахталарнинг, заводларнинг тажрибасини пропаганда қилиш сезиларли даражада кучайди.

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш манфаатлари совет матбуоти барча янги, илғор ташаббуснинг қизғин ҳимоячиси бўлишини, техника тараққиётининг жарчиси бўлишини талаб этмоқда. Совет матбуоти бу янгиликни яратувчилар ҳақида, зийрак, ақлли, фан ва техникани илгари силжитаётганлар ҳақида, — шонли ишчилар синфимиз ҳақида, ажойиб техника интеллигенциямиз ҳақида ёркин ва мазмундор ҳикоя қилиб бериши лозим. Қора ва рангли металлургияда ишлабчиқариш процессларини интенсификациялаш, кўмир саноатида янги кон техникасидан яхшироқ фойдаланиш, нефть чиқаришнинг прогрессив методларини кенг жорий қилиш, машинасозликда юқори унумли станоклар, машиналар ва аппаратлар яратиш масалалари ва саноат ишидаги бошқа кўпгина асосий масалалар газета саҳифаларида ҳартомонлама ёритилиши лозим.

Афсуски, ана шундай ҳаётий муҳим масалаларни четлаб ўтаётган, иккинчи даражали темалар билан шуғулланаётган газеталар ҳали ҳам бор. Жумладан, «Бакинский рабочий» газетаси Озарбайжон нефть саноатини ривожлантиришда ҳал қилиш пайти келган проблемаларни четлаб ўтмоқда. Нефть чиқаришнинг такрор методлари, пармалашнинг турбина усули, нефть қудуқларини еростида ремонт қилишда илғор усуллар, нефть чиқаришда автоматикани қўлланиш бу газета саҳифаларида кенг равишда қўллаб-қувватланмаётир. Газета нефть қудуқларини пармалаш ва нефть чиқаришнинг Татаристон, Бошқирдистон ва Поволжье нефть конларида ишлаб чиқилган новаторлик методларини суст оммалаштирмоқда.

«Лесная промышленность» газетаси янги техникани жорий қилишга, тахта тилишнинг, ёғочсозликнинг, қоғоз ишлаб чиқаришнинг ватан ва четэл илғор тажрибасини пропаганда қилишга бепарво қараб келмоқда. Газетадаги танқид жуда бўш, ундаги чиққан материалларнинг та'сири кам. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин.

Газета «Сиртқи ишлабчиқариш-техника конференцияси» деган рубрика остида икки ой давомида мақолалар босиб турди. Бу мақолаларда қимматли таклифлар киритилди, министрликлар, главкалар, илмий-текшириш институтлари танқид қилинди. Ўрмон ва қоғоз саноати раҳбарлари матбуотнинг танқидий сигналларига, жойлардан қилинган таклифларга э'тиборсизлик билан қарадилар. Газета шу вақт ичида ўз материалларига фақат биттагина жавоб босиб чиқарди.

Партия ва ҳукумат ишлабчиқаришни олий техника базасида ривожлантириш учун қат'ий кураш олиб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорида кўрсатилганича, саноатнинг барча соҳаларида ишлабчиқариш процессларини электрлаштириш, комплекс суратда механизациялаштириш ва автоматлаштириш, юқори унумли энг янги станокларни, машиналарни ва аппаратларни жорий қилиш, ишлабчиқариш технологиясини демий такомиллаштириш, атом энергиясини тинч мақсадларда қўлланиш базасида техникани такомиллаштириш сур'атларини кескин равишда ошириш ана шу вазифани ҳал этишнинг асосий шартидир.

Бизнинг матбуотимиз саноатда техникани тараққий этдириш соҳасида партия томонидан ишлаб чиқилган вазифаларни амалга ошириш учун курашда оташин пропагандист, агитатор ва ташкилотчи бўлиши лозим. Газеталар Ватанимизнинг, шунингдек чет элларнинг илғор фан ва техника ютуқларини систематик суратда ва ишнинг кўзини билиб пропаганда қилишлари, корхоналарда станоклар, машиналар ва механизмларнинг янги маркаларини ишлаб чиқариш қандай ўзлаштирилаётганидан, технологияни такомиллаштириш, янги ускуналарни жорий қилиш ишларининг қандай бораётганлигидан, бу жуда муҳим ишда уларга ким халақит бераётганлигидан доим хабардор бўлиб туришлари керак.

Коммунистик партиянинг XX с'ездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақанинг жанговар ташкилотчиси бўлиш — матбуотнинг бурчидир. Саноат илғорларининг қимматли ташаббусини кун сайин муфассал ва яққол ёритиб бориш, уларнинг тажрибасини ёйиш, бу тажрибанинг ишлабчиқаришга жорий қилишга эришиш зарур. Матбуотимиз ҳарбир янгиликка, ҳарбир қимматли ташаббусга зўр э'тибор бериши ва уни ўрганиши лозим.

Ма'лумки, янги техникани, меҳнатнинг илғор методларини жорий қилиш йўлида анча тўсқинликлар учраб келди ва учрайди. Бизда қолоқ ва ўжар кишилар ҳали ҳам бор, чиновник ва бюрократлар бор. Матбуот ана шундай кишиларни фош қилиши, техникадаги қолоқликнинг, кибрлик ва хотиржамликнинг қарқандай кўринишларига дадил ва муросасиз қарши чиқиши лозим. Газета саҳифаларида қуйидан бўладиган танқидни дадил ривожлантириш, омманинг, илғор кишиларнинг, янгилик яратувчиларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаш керак.

Матбуотимиз фахрли ва мас'улияли вазифаларни ҳал қилганда авторларнинг кенг активига таяниши лозим. Совет матбуотининг кучи — унинг омма билан алоқасидадир. Ҳозирги шароитда бу алоқалар айниқса маҳкам ва яқин бўлиши лозим. Ўзларига ишлабчиқариш илғорлари ва новаторлари — ишчилар, техника интеллигенцияси, олимлар орасидан кўпсонли авторлар активини жалб қилган, бу активга доим маслаҳатлашадиган, уларнинг таклифларига қулоқ соладиган газеталаргина ишга фойда келтирадилар, газетхонларнинг ўсган талабларини қондирадилар. Янги техника масалаларини чуқур биладиган авторларнинг кенг доираларини жалб этиш редакцияларга халқ хўжалигининг катта проблемаларини қўйишда, саноатни ривожлантиришнинг жуда муҳим масалаларини чуқур ва ҳартомонлама ёритишда ёрдам беради. Ишлабчиқариш новаторларининг, техникани тараққий этдириш йўлидаги толмас курашчиларининг овози газеталаримиз саҳифаларида баралла жарангласин.

Матбуотимиз омма билан алоқасини мустаҳкамлаб ва кенгайтириб, совет кишилари ижодий меҳнатининг манзарасини ёркин акс эттириб, социалистик саноатни ривожлантиришнинг асосий масалаларини қўйиб, КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорларида Коммунистик партия томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашдан иборат умумхалқ ишига ўз ҳиссасини қўшади.

(«ПРАВДА» газетасининг 13 сендаги бошмақоласи).

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1955 ЙИЛ 13 СЕНТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН

М А ' Л У М О Т

(процент ҳисобида)

Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан	Районларнинг номи	бир кунда	мавсум бошидан
Ховос	1,76	11,16	Мирзачўл	1,17	5,26
Пискент	1,35	10,91	Ўртасарой	1,17	5,24
Оҳангарон	1,36	9,75	Гулистон	0,99	5,15
Бўка	0,98	7,66	Боёвут	0,72	5,14
Ўртачирчиқ	0,86	6,50	Янгийўл	0,92	5,06
Оржоникидзе	1,12	6,20	Чиноз	0,95	4,94
Оққўрғон	0,82	5,83	Верхне-волинск	0,88	4,93
Сирдар'ё	0,86	5,71	Бекобод	0,65	4,86
Октябрь	0,78	5,54	Калинин	0,70	4,15
Юқоричирчиқ	1,23	5,31	Қуйичирчиқ	0,30	2,20

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар тўғрисидаги ахборотда хабар берилганидек, 10 сентябрьдаги иккинчи мажлисда Совет делегациясининг бошлиғи Н. А. Булганин баёнот берди.

(Н. А. Булганиннинг баёноти газетамизнинг 13 сентябрь сонида э'лон қилинган).

Раислик қилувчи Канцлер К. Аденауэр, ГФР ташқи ишлар министрига сўз беришдан олдин, Совет делегацияси бошлиғи берган баёнотнинг ба'зи моддаларига тўхтаб ўтмоқчиман, деди. Канцлер «ҳарбий асирлар», ёки унинг ўз сўзи билан айтганда, «ушлаб турилган» шахслар масаласига, шунингдек ГФР ташқи сиёсатининг ба'зи масалаларига тўхталди.

(Канцлер К. Аденауэр баёноти газетамизнинг бугунги сонида э'лон қилинмоқда).

Сўнгра ГФР Ташқи ишлар министри Г. фон Брентано баёнот берди, у Германия Федерал Республикасининг делегацияси «ушлаб турилган» шахслар ва Германияни бирлаштириш масалаларини биринчи навбатдаги масала деб ҳисоблайди, деб яна уқдириб кўрсатди. У, сўнгра, «ушлаб турилган» шахслар масаласини ҳал қилмасдан туриб, ГФР билан Совет Иттифоқи муносабатларини нормаллаштириш ГФР делегацияси учун жуда қийинчилик туғдиради, деди.

(Фон Брентано баёноти газетамизнинг бугунги сонида э'лон қилинмоқда).

Сўнгра Канцлер К. Аденауэр ва Г. фон Брентанонинг нутқлари муносабати билан Н. С. Хрушчев нутқ сўзлади.

(Н. С. Хрушчев нутқи газетамизнинг бугунги сонида э'лон қилинмоқда).

Сўнгра В. М. Молотовга сўз берилади.

(В. М. Молотов нутқи газетамизнинг бугунги сонида э'лон қилинмоқда).

Иккинчи марта сўзлатган Канцлер К. Аденауэр бундай деди:

Бугун эрталаб биз жуда жиддий суҳбатлашиб олдик ва сизлар ишонишларингиз мумкинки, немис делегацияси сизларнинг нутқларингизни жуда муфассал ва жиддий муҳокама қилади. Шунга қарамай, мен дарҳол ба'зи нутқларга тўхталиб ўтишим лозим, чунки менимча, бизнинг тўпланишимизга асос қилиб олинган позициянинг издан чиқиб кетиш хавфи туғилмоқда.

Ташқи ишлар министри Молотов жанобларининг, музокараларнинг мақсади нормал дипломатик муносабатлар ўрнатишдир, деди. Совет ҳукуматининг 7 июньдаги нотасига мувофиқ, биз учрашувимизнинг мақсадини бошқача тушунамиз. Бу нотада: «Совет ҳукумати тинчлик ва Европа хавфсизлиги манфаатлари, шунингдек совет ва немис халқларининг миллий манфаатлари Совет Иттифоқи билан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришни талаб этади, деб ҳисоблайди» дейилган.

Нотада яна бундай дейилган: «Тарихий тажриба шуни кўрсатдики, Европада тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш совет ва герман халқлари ўртасидаги нормал яхши муносабатлар бўлишига қат'ий боғлиқдир». Европада тинчликни сақлаш манфаатлари ва иккала халқларимиз манфаатларини деб, халқларимиз ўртасида нормал ва яхши муносабатларни тиклаш мақсадида биз бу ерга келдик. Нормал дипломатик муносабатлар ўрнатиш эса бизнинг вазифаларимизнинг кичик бир қисмигина бўлур эди, биз фақат шуни дебгина келганимиз йўқ. Бундан ташқари биз **яхши** муносабатлар ўрнатишни ҳам истаймиз. Шунинг учун ҳам, Министрлар Советининг раиси жаноблари, жаноблар, биз бу ерда ҳамма ушлаб турилган шахснинг тақдири тўғрисида гапиришимиз лозим, деб ўйлаган эдик, шунинг учун ҳам биз бу ерда Европа хавфсизлиги учун деб Германияни қайта бирлаштириш тўғрисида гапиришимиз лозим.

Мен бошқа мавзуга ўтаман. Хрушчев жанобларининг, шунингдек Молотов жанобларининг айтдиларки, гўё, мен Совет Армияси ҳам келгандан кейин жиноят қилди, дебман. Мен қат'ий қилиб шуни дейманки, — мен буни статс-секретарь Хальштейннинг ёзувларидан текшириб кўрдим — мен бу сўзни онгли равишда ва жўрттага айтганим йўқ. Мен, қўшинлар кирганда шунингдек дахшатли ҳодисалар бўлди, дедим, бу гап бу ерда чуқурлаштирилмаса тўғри бўлур эди.

Ташқи Ишлар министри Молотов жанобларининг немислар гитлеризмдан ўзларини озод қилишга қодир эмас эдилар, деди, лекин жаноблар, мен ҳозир айтадиган гаплар учун мендан хафа бўлманглар—бу, фақат Совет Иттифоқига эмас, балки, бошқа бир қанча мамлакатларга ҳам оиддир. Буюк давлатлар 1933 йилдан кейин Гитлернинг бунчалик халдан ошиб кетишига нега имкон бериб қўйдилар? Бу ҳал қилувчи масала-ку, ахир. Буюк давлатлар Гитлернинг, масалан Берлиндаги Олимпий ўйинида, кўкка кўтарганларини ўйласам — мени тушунишларингизни сўрайман—мен ҳақиқатан ҳам ўзимни тийиб турaолмайман. Гитлернинг халқаро шартномаларни ҳеч тап тортмай бузаолганлигини мен сира унутмайман. Шунинг ўзи билан у одамни ба'зи бефаҳм немислар кўз олдида қаҳрамон қилиб кўрсатдилар, бошқа немисларнинг эса газабини қўзғадилар. Кўриб турибсиз ахир, бу одамга шу даражада кўтарилиб кетиш учун имкон бериб қўйганларини мен 1933 йилдан бери кузатиб келдим, биз, мен федерал ҳукуматни ва парламентимизнинг а'золарини кўзда тутаман, шундинг ҳаммасининг бахтсиз меросхўрларимиз. Биз Германияни тиклашга ҳаракат қилишимиз лозим, чунки Германия ҳам уруш вақтида ғоят катта зарар кўрди; биз чет эл давлатларининг ишончини, шунингдек сизларнинг ҳам ишончингизни яна қозонишга ҳаракат қилишимиз лозим! Мен биламан, бу қийин вазифа, лекин бу вазифа ҳал қилиниши лозим.

Энди мен НАТО тўғрисида ба'зи фикрлар айтмоқчиман. Мен шунга аминманки, агар улуғ давлатлар бундан кейин ҳам музокараларни ҳуш'ёрлик билан олиб борсалар, улар бу ишга ҳозир асос солдилар, у вақтда НАТО да эришилган нарсалар Европа хавфсизлик системасининг воситаси бўлиши мумкин ва бўлади. Бинобарин, менинг фикримча, шу мақсадга еришиш ҳуш'ёрлик билан ўтказилаётган буюк сиёсатнинг мақсади бўлиши лозим.

Жаноблар, мен яна сизларга очиқ кўнгиллик билан бирнеча сўз айтмоқчиман. Биз ўйлаймизки, солдат сифатида асир тушган немисларнинг уруш ҳаракатлари тўхтатилгандан кейин қилган жиноятлари учун жазоланганлик ҳодисаларини биламиз, бундай ҳодисалар оз эмас. Совет халқи юраги кенг ва кўнгли кенг халқдир. Ўз халқим тўғрисида ҳам худди шуни айтаоламан, ва шунинг учун ҳам бу масала бизнинг халқимизда шундай катта роль ўйнайди. Сизларнинг биз билан биргаликда ҳар ҳолда бу масалани ўрганишингиздан бошқа ҳеч нарсани истаймиз. Биз билан биргаликда бу масалани ҳар ҳолда муҳокама қилишингизни ўтиниб сўрайман. Юртимизга: Совет ҳукумати биз билан бу масала тўғрисида гаплашишдан умуман бош тортди, деб қайтиб кетмаслигимиз учун имкон беришингизни сўрайман.

Энди Германия Демократик Республикаси ҳақида. Ташқи ишлар министри Молотов жаноблари, учрашув учун немислар таъминотини қайта бирлаштириш масаласини ҳал қилишда бир-бирини тушунишни сўрадам бермайди. Ҳозир иқтисодий масалаларга ўтишга келганда, Совет делегацияси бу таклифга э'тироз билдирмайди.

Германия Федерал Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида иқтисодий муносабатлар масаласида ГФР Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн нутқ сўзлади. У, товар айирбошлаш ҳажми ва унинг хиллари тўғрисида Совет ҳукумати билан махсус музокаралар олиб бориш керак, деган мазмунда фикр баён қилди.

(В. Хальштейн баёнотининг тексти газетамизнинг бугунги сонида э'лон қилинмоқда).

Энди менга Хрушчев жанобларининг иқтисодий муносабатлар тўғрисидаги сўзига ўтишга руҳсат беринг. Мен ҳам, Совет Иттифоқи билан бизнинг ўртамизда ҳар икки мамлакат учун жуда фойдали иқтисодий муносабатлар ривожланиб кетиши мумкин, деб ҳисоблайман. Министрлар Совети Раиси жаноблари, агар Сиз шунга розн бўлсангиз, ҳар икки томонимиз ҳам бугун айтилган нутқлар тўғрисида маслаҳатлашиб олишиш учун ҳозир уруш темасини ва урушдан кейинги темаларни қолдириб туришни таклиф қилмоқчиман. Чунки лоақал бугун тушки овқатгача иқтисодий муносабатлар темасини муҳокама қилабош лайлик.

К. Аденауэрнинг мазкур нутқи муносабати билан Н. А. Булганин нутқ сўзлади.

Иқтисодий масалага ўтишдан олдин, — деди Н. А. Булганин, — мен қуйидаги мулоҳазаларни айтиб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Менинг ва шерикларимнинг бугунги нутқини муҳокама қилиш, Н. С. Хрушчевнинг баёнотини қараб чиқиш ғақидаги сўзингизни Совет делегацияси ахборотга олади. Мен немисларнинг Германияни қайта бирлаштиришдаги роли масаласига тўхталишни истар эдим.

Сизнинг Германия Демократик Республикаси ҳақидаги сўзингизни унга бўхтон қилишдан бошқа ҳеч нарса эмас деб ҳисоблайман. Сиз айтганларни рад қилиш учун Германия Демократик Республикаси Ҳукумати тўғрисида қуйидаги фактларни келтириш кифоядир.

Биз Н. С. Хрушчев билан бирга яқинда Германия Демократик Республикасида бўлдик. Биз 500 километрга яқин жойни кўрдик, саноат ва қишлоқ хўжалик корхоналарида бўлдик, шунингдек, кўпгина шаҳарларда ва аҳоли турадиган пунктларда бўлдик. Биз у ерларда герман халқининг ўз ҳукуматига, Германия Демократик Республикаси ҳукуматига чинакам муносабатини кўрдик. Немис фуқароларининг муносабати шуни кўрсатадики, аҳоли Германия Демократик Республикаси ҳукуматини ҳурмат қилади, э'тироф қилади ва уни ўз ҳукумати деб ҳисоблайди.

Ниҳоят, Германия Демократик Республикаси бирқанча Европа мамлакатлари э'тироф қилган, икки буюк давлат—Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Хитой Халқ Республикаси э'тироф қилган суверен ҳукуматдир. Менимча, Сизнинг сўзингизни рад қилмоқ учун, шунинг ўзи батамом кифоядир. Мен ўйлайманки, ГФР делегациясининг бу ерда келтираётган важ-далили Германия Демократик Республикаси билан Германия Федерал Республикасининг герман халқи икки қисмини қайта бирлаштириш масаласини ҳал қилишда бир-бирини тушунишга ёрдам бермайди. Ҳозир иқтисодий масалаларга ўтишга келганда, Совет делегацияси бу таклифга э'тироз билдирмайди.

Албатта, бизнинг олдимизда кўпгина қийинчиликлар турипти. Бу қийинчиликлар шундан иборатки, сиз билан биз идеологик тарздаги икки ҳил позицияда турибмиз. Сиз билан биз эса биринчи марта учрашдик, шунинг учун биз бир-биримизга ма'лум даражада эҳтиётлик билан қараймиз.

Шунинг учун сиз ҳам биз ҳам сиз билан биз бир оламда, бир планетада яшаб турганлигимизни тўлароқ англаб олишимиз учун бироз вақт лозим. Сизда капиталистик система, бизда социалистик система. Биз сизнинг системангизни қувватламаймиз, сиз эса бизнинг системамизни қувватламайсиз. Лекин бу системалар мавжуд экан, бир вақтда нормал яшамоқ учун қандайдир умумий фикр, уларни бир-бирига ёндоштирадиган умумий нуқтани излаб топиш керак. Реал вазият позициясига асосланиб иш кўрмоқ зарур.

Биз ўз мамлакатимизда хўжалигининг социалистик укладини вужудга келтирдик, сизда — капиталистик уклад мавжуд. Биз, капитализм яшими ёки социализм яшими, — бу тўғрида баҳслашиб ўлтиримаймиз. Социалистик хўжалик яшамоқда ва жуда муваффақият билан ривожланмоқда. Совет Иттифоқи қисқа муддат ичида қолоқ, ярим феодал мамлакатдан қудратли индустриал давлатга айланди — бу шак-шубҳасиз факт. Бизнинг мамлакатимиз саводсизлик Россиясидан Совет қонимияти йилларида халқининг маданий даражаси ва унинг сиёсий онги юксак қудратли давлат бўлиб етишди. Бу эса — социализм ғалабасининг натижасидир, халқ ғалабасининг натижасидир. Кўпчилик бизнинг кетимиздан эргашди. Сизга шу нарса яхши ма'лумки, Польша, Руминия, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Хитой Республикаси ва Европа билан Осиёдаги бошқа бирқанча мамлакатнинг халқлари ҳам ана шу йўлдан бормоқдалар. Кўп мамлакатларда ички кураш олиб борилмоқда ва бу мамлакатларнинг халқлари бундан кейин тараққиётни қайси йўлдан олиб бориш масаласини ҳал қилмоқдалар. Коммунизм буюк куч бўлиб қолди.

Коммунизмнинг пайдо бўлганлигига сизлар, немислар ҳам «айбдорсиз». Маркс билан Энгельс Германияда туғилганлар-ку, ахир. Ошни ўзингиз пиширгансиз, энди ўзингиз, енг. **(кулги).**

Аденауэр. Сиз, балки, Пфердменгесснинг номини биларсиз? У Энгельснинг қариндоши.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин ҳузурида Германия Федерал Республикасининг Федерал Канцлери К. Аденауэр жаноблари шарафига қабул маросими

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин 12 сентябрьда Катта Кремль саройида Германия Федерал Республикасининг Федерал Канцлери К. Аденауэр жаноблари шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Федерал Канцлер К. Аденауэр жаноблари, ГФР Ҳукумат делегациясининг а'золари: Ташқи ишлар министри доктор Г. Фон Брентано, Ташқи ишлар министрлигининг статс-секретари доктор В. Хальштейн, Федерал Канцлер Канцеляриясининг статс-секретари доктор Г. Глобке, Элчи Г. Бланкенхорн, министериальдиректор доктор В. Греве, Ҳўжалик министрлиги ташқи иқтисодий бўлимининг раҳбари доктор Г. Рейнхардт, Ташқи ишлар министрлиги савдо—сиёсий бўлимининг раҳбари доктор Г. ван Шерпенберг, Ташқи ишлар министрлиги маданият бўлимининг раҳбари доктор Г. фон Трютцшлер, Элчи Ф. фон Эккардт, Ташқи ишлар министрлиги Протокол бўлимининг бошлиги Вакил доктор Э. Г. Мор, Вакил доктор Г. фон Вальтер, министериальдиригент доктор У. Мюллер, доктор Г. Бох, шунингдек делегациянинг ҳамроҳлари: Бундесрат ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Арнольд, Бундестаг ташқи ишлар комиссиясининг раиси К. Г. Кизингер ва бу комиссия раисининг ўринбосари К. Шмид ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида совет томонидан: Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. И. Беляев, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Н. Косигин, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари М. П. Тарасов ва А. Сариев, РСФСР Министрлар Советининг Раиси А. М. Пузанов, РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосарлари И. К. Лебедев ва А. М. Сафронов, СССР министрлари В. Г. Бакаев, Б. П. Бещчев, Ф. Д. Вараксин, П. Н. Горемикин, К. П. Горшенин, П. В. Дементьев, Н. А. Дигай, В. Г. Жаворонков, А. Н. Задемидко, А. Г. Зверев, И. Г. Кабанов, В. Д. Калмиков, М. Д. Ковригина, Е. Ф. Кожевников, И. К. Козюля, Л. Р. Корниец, С. Н. Крутлов, И. А. Лихачев, П. Ф. Ломако, Е. С. Новоселов, И. И. Носенко, Д. В. Павлов, П. И. Паршин, И. Т. Скиданенко, С. А. Степанов, Н. И. Строкин, С. М. Тихомиров, Д. Ф. Устинов, Г. С. Хламов, З. А. Шашков, Н. А. Юдин, СССР Давлат банки Правлениесининг раиси В. Ф. Попов, СССР Олий Совети Президиумининг секретари Н. М. Пегов, Иқтисодий алоқа ишлари бош бошқармасининг бошлиги К. И. Коваль, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский, армия генерали И. А. Серов, ТАСС мас'ул раҳбари Н. Г. Пальгунов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Меҳнат резервлари бош бошқармасининг бошлиги Г. И. Леденко, СССР Олий Совети Президиуми Секретарининг ўринбосари А. Ф. Горкин, СССР Министрларининг ўринбосарлари С. А. Борисов, И. Г. Большаков, А. А. Громико, С. В. Кафтанов, В. В. Кузнецов, П. Н. Кумакин, П. С. Кучумов, В. С. Семенов, В. Н. Столетов, РСФСР Маданият министри Т. М. Зуева, Москва Совети ижроия комитетининг раиси М. А. Яснов, ВЦСПС раисининг ўринбосари Л. Н. Соловьев, ВЦСПС секретари Н. В. Попова, СССР ТИМ коллегиясининг а'золари М. В. Зимянин, Л. Ф. Ильичев, М. А. Костилев, ва С. К. Царапкин, СССР ТИМ 3-нчи Европа бўлимининг мудири С. Г. Лапин, СССР ТИМ Протокол бўлимининг мудири Ф. Ф. Молочков, Чет эллар билан маданий алоқа қилучи Бутуниттифоқ жамияти Правлениесининг раиси А. И. Денисов, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги рус православие черкови ишлар Кенгашининг раиси Г. Г. Карпов, СССР Ёзучилар союзи Правлениесининг биринчи секретари А. А. Сурков, Крутица ва Коломна митрополити Николай, фан ва сан'ат арбоблари, СССР Министрлар Советининг ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг мас'ул ходимлари, совет ва четэл журналистлари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Москвадаги бирқанча дипломатик ваколатхоналарнинг бошлиқлари ҳам бор эди.

Қабул вақтида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Булганин ва Германия Федерал Республикасининг Федерал Канцлери К. Аденауэр жаноблари нутқ сўзладилар. (ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Хрушчев. Илтимос шунақа чуқур деб ҳали.

Шундай бир вазият вужудга келдики, икки система — социалистик система ва капиталистик система ёнма-ён яшамоқда. Биз ана шу фактга асосланишимиз лозим, чунки бу асосий масаладир. Шунинг учун, келинг бир фикрга келишайлик.

Мен жаноб Аденауэрни тушунаман. Сиз Германия Демократик Республикасини эътироф қилишни истамайсиз. Бу бизга яхши маълум. Капиталистик мамлакатларда кўп кишилар анча йилларгача Ленин — ҳаёлпараст киши деб юрдилар-ку, ахир. Улуг Ленин вужудга келтирган совет тузуми ва у асос солган Коммунистик партия Россияда узоқ яшайдимайди, деб гапирган эдилар. Гарбда, Совет мамлакати — кун устига қурилган катта давлат, деб айтган эдилар. Шуларга ўхшаш бошқа кўп аҳмоқона гапларни айтган эдилар. Бизни, Совет республикасини Европанинг битта ҳам давлати неча йиллар мобайнида эътироф қилмай турди!

Булганин. Америка Қўшма Штатлари бизни 16 йил эътироф қилмади.

Хрушчев. Шундай. Америка Қўшма Штатлари Совет Иттифоқини 16 йил эътироф қилмади. Лекин бунга қарамай биз яшайбердик.

Хитой Халқ Республикаси ўсмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Баъзи капиталистик давлатлар уни ҳам эътироф қилмай келмоқдалар, лекин улар эътироф қилмаганлари билан Хитой Халқ Республикаси яшашдан тўхтаб қолаётгани йўқ. Янгилик ҳамиша азоб-уқубатлар ичида туғилади ва эскилик томонидан узоқ вақт эътироф қилинмайди. Германия Демократик Республикаси ҳам ҳозир худди ана шу аҳволда.

Нега биз Германия Демократик Республикасига қарши бўлайлик? Унинг халқи ҳокимиятни ўз қўлига олгани ва Германия Демократик Республикасининг халқ хўжалиги герман халқининг манфаатлари асосида қурилаётгани учунми? Бу ёмони, ахир? Германия Демократик Республикаси ҳукумати ўз мамлакатидаги ишчилар синфи, деҳқонлар ва меҳнаткаш интеллигенциянинг манфаатларини сақлаб қолаётган ва ҳимоя қилаётган экан, у нега герман халқининг фикрини ифода қилмасин? Сизлар хусусий мулкчиликни биринчи ўринга қўясиз. Ишчилар нега ишчилар синфи позицияларида турган ва шу позицияни ҳимоя қилаётган ҳукуматдан кўра кўпроқ Сизни табриклашлари ва қувватлашлари лозим.

Сизнинг Германия Демократик Республикасига нисбатан бўлган позицияларингиз бизга аниқ, лекин бу позиция билан келишиб бўлмайди. Сизнинг фикрингиз абсолют ҳақиқат эмас. Биз тушунамиз, сизнинг фикрингиз маълум доираларнинг фикри, аммо мамлакатдаги барча аҳолига нисбатан озчиликни ташкил этган доираларнинг фикри.

Мен, Сиз менинг фикримга қўшилинг, деб талаб қилмайман. Сизнинг бу фикрга қўшилмаслигингизни мен аниқ биламан. Лекин Германия Демократик Республикаси — у, келажакдир. Бу келажак фақат немис халқининкигина эмас. Маркс билан Энгельс ана шу келажак ҳақида гапирган эдилар. Немис механикаплари ўзларининг Германия Демократик Республикасини социалистик асосда қуразошлаганларида биз уларни қувватладик. Уларнинг бу иши яхши юришиб кетмоқда.

Шундан кейинги фикр алмашувлар давомида Канцлер К. Аденауэр, идеология масалаларидаги келишмовчилик Совет Иттифоқи ва ГФР нинг ўзаро ҳамкорлик қилишларига тўсиқ бўлолмайди, деган фикрни баён қилди.

Мажлис охирида Н. С. Хрушчевнинг таклифи билан, умумий масалалардаги фикр алмашувни тамомлаш ва иккала мамлакат ташқи ишлар министрларига алмашинилган фикрларни ҳисобга олиб, конкрет таклифлар тайёрлашга киришишни топширишга бир оғиздан қарор қилинди. (ТАСС).

ГФР делегацияси бошлиғи Канцлер К. Аденауэр баёноти

1955 йил 10 сентябрь

Министрлар Совети Раиси жаноблари! Ташқи ишлар министрига сўз беришдан олдин Сизнинг баёнотингиздаги баъзи моддаларга тўхталиб ўтишга ва шуларга жавоб қайтаришга менга изозат беринг.

Сиз ҳамма масалалар тўла равишда очиқ кўнгиллилик билан муҳокама қилинини лозим деган нуқтаи назарда турибсиз деб айтдингиз. Сизнинг бу гапингизни мен табриклайман. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. Шунча воқилар бўлиб ўтгандан кейин муносабатларни нормаллаштиришга эришишни яна истар эканмиз, дастлаб кўнгилда бўлган нарсаларнинг ҳаммасини очиқ айтиб ўтиш керак.

Сиз, Министрлар Совети Раиси жаноблари, ўз нуқтаингизнинг бошида совет халқининг кейинги уруш вақтида кўрган кулфатларини тасвирлаб бердингиз. Мен очиқ тан бериб айтаманки, шу уруш сабабли совет халқи чидаб бўлмас даражада кўп азоб тортди. Бироқ, Сиз немис халқи бошқача аҳволда эди, деб айтганлигингиз сабабли мен бир нарсага эътиборни жалб қилиб ўтишни лозим топаман, бу нарса шуки, Гитлерни ва унинг тарафдорларини немис халқи билан тенглаштириш ярамайди. Немис халқининг жуда катта қисми ўзининг ички эътиқодига кўра гитлеризмни қоралаган эди, бутун шу урушни ва аввало гитлеризм томонидан қилинган ёвузликларни қоралаган эди. Бундан, эҳтимол, немис халқи тўғрисида уни бирбутун халқ тариқасида ҳисоблаб гаплашиш мумкин деб айтурлар. Бироқ, бизнинг вазифамиз шундан иборатки, Министрлар Совети Раиси жаноблари, немис халқининг илгари мана шу нарсаларнинг ҳаммасидан ҳамиша жирканиб юз ўгиргани, сингари ҳозир ҳам жирканиб юз ўгиргани қисми билан эндиликда битимга келишимиз лозим.

Сўнгра Сиз, Германияда «зўравонлик позицияси»га таяниш тўғрисида гапиришмайди, дединг. Менинг фикримча, бунда жуда катта англашилмовчилик бор. Германияда ҳеч ким Совет Иттифоқи билан «зўравонлик позициясига таяниш тўғрисида гапиришмайди. Сиз ва менинг ёзишимча, биз жаковимиз шу музокараларда ма'лум даражада антик замон геройларининг ролини бажараётгани эмишмиз, ҳарқайсимиз бир-биримизнинг камчиликларини бир-биримизга баланд овоз билан кўрсатиб бераётган эмишмиз. Менинг фикримча, бизлар бундай ролни бажармаслигимиз лозим, балки осойишталик билан муҳокама қилишгандан кейин чинакам бамаслаҳат бир фикрга келишга очиқ кўнгиллик билан ҳаракат қилишимиз лозим. Немис қўшинларининг Россияга бостириб кирганликлари рост. Кўпгина ёмонликлар содир бўлганлиги рост. Аммо рус армиялари кейин, ўзларини мудофаа қилиб, — мен буни ҳеч сўзсиз тан оламан, —Германияга келганликлари ва ўша вақтда Германияда уруш пайтида кўпгина муҳим нарсалар содир бўлганлиги ҳам рост. Менинг фикримча, модомики, биз муносабатларимизнинг янги даврига киришни истар эканмиз, бундай янги даврга кириш эса бизларнинг жиддий истагимиздир, у ҳолда биз ўтмишни жуда ҳам титқилайберишимиз керак эмас, чунки бундай қилаберсак ўзимиз учун фақат тўсқинликлар вужудга келтираберамиз. Психологик жиҳатдан пойланиб олиш ҳам янги даврнинг бошланиши учун негиз бўлиши лозим.

Министрлар Совети Раиси жаноблари, мен кечаги нутқимдаги бир ёки бирнеча жумлани кўрсатиб ўтишни ҳам лозим топаман, мен ўша нутқимда, немис халқи сиёсий жиҳатдан янгидан тикланаётганда тўрт буюк давлат ўртасида келишмовчиликлар бўлиб турган халқаро аҳвол ичида қолишдек бахтсизликка дучор бўлганлигини айтиб ўтган эдим. Мен Сиздан шу нарсани ҳисобга олишни сўрайманки, қийинчиликларимизнинг анчагина қисми тўрт голиб давлатнинг ўз сиёсатлари давомида бир-бирларидан ажралиб кетганликлари сабабли рўй берди. Менингча, биз ҳам Европа хавфсизлик системасининг барпо қилинишини зарур деб ҳисоблаётганлигимизни ва томонларнинг ҳаммасига хавфсизлик берадиган ва урушни ҳақиқатан даф' қиладиган системани вужудга келтиришга кўмаклашиш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни биз ҳам қилишимизни ҳеч мен етарли даражада равшан ва аниқ қилиб айтиб ўтдим.

Агар Сиз рухсат этсангиз, энди Ташқи ишлар Федерал Министри фон Брентано жаноблариға сўз бераман.

ГФР Ташқи ишлар министри Г. фон Брентано жанобларининг баёноти

1955 йил 10 сентябрь

Министрлар Совети Раиси жаноблари, жаноблар!

Федерал Канцлер жанобларининг айтган гапларини бирнеча мулоҳазалар билан тўлдиришга менга изозат берингиз. Сиз, Булганин жаноблари, бугунги нутқингизнинг бошида, бундан олдин бўлиб ўтган ноталар айирбошлашда ҳам, шунингдек, Федерал Канцлер жанобларининг кечаги баёнотида ҳам халқларимиз ўртасидаги муносабатларни ҳаммамиз истаётгандек нормаллаштирмоқ учун дастлабки шартлар тўғрисида гап бўлганлиги йўқ, деб айтдингиз. Мен бу тезисни таъкидлаб ўтмоқдаман, ўз нуқтаимиз ҳам шундан бошламоқчиман. Сиз, Булганин жаноблари, гапингизнинг охирида Сиз қўйган саволларга, дипломатик, иқтисодий ва маданий муносабатларни қайтадан тиклаш ёки ўрнатиш масалаларига Германия Федерал Ҳукумати қандай жавоб бермоқчи, деб сўрадингиз. Сиз, Булганин жаноблариға, очиқ-ойдин қилиб айтишга менга изозат берингиз, агар биз халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг нормаллаштирилиши нормал бўлмаганлиги ўз-ўзидан кўриниб турган аҳволга асосланиши мумкин, деб эътироф қилсолганимизда эди, ёки эътироф қилганимизда эди, музокараларда қатнашаётган сизнинг партнерларингиз ростгўй партнерлар бўлмаган бўлур эди; шундай партнерлар бўлишини Сиз истамайсиз, биз ҳам шундай партнерлар бўлишини истамаймиз. Мана шу нарса Федерал Канцлер жанобларининг ўз баёнотида икки проблемани айтиб ўтишига сабабчи бўлдики, бу проблемалар тўғрисида бугун Сиз, Булганин жаноблари ҳам гапириб ўтдингиз.

Сизни ишонтириб шуни айтмоқчимизки, Сиз кейинги урушда рус халқининг бошига тушган аҳлатли кунларни эслатиб ўтганингизда столнинг бу томонида чуқур таъсирланмаган битта ҳам киши қолмаганлиги муқаррардир. Сиз яна шу нарсага ҳам ишонишингиз керакки, қўшинглаб немисларнинг тақдирини аниқлаб олиш йўлидаги интилишда буни жиноятлар ва жиноятчилар билан ҳеч тенглаштириб бўлмайди ва бунда ҳеқандай сохта бирдамлик ҳислари ҳам йўқ. Мен сиздан шуни тушуниб олишни илтимос қиламанки, Германияда ўзларининг энг яқин қариндошларининг тақдиридан шу кунгача бехабар бўлиб қолаётган миллион-миллион одамлар, оналар ва оталар, болалар ва хотинлар бор, мен Сиздан шуни ҳам тушунишни илтимос қиламанки, ўзларининг яқин қариндош-уруғлари ҳали ҳам буерда, Россияда ушланиб турганлигини билган минглаб оилалар бор. Сизларнинг судларингиз чиқарган ҳукмларни ишнинг моҳиятини кўриб чиқмасдан улоқтириб ташлаш бизнинг вазифамиз эмас, зотан бизнинг бундай қилишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Лекин Федерал Канцлер жаноблари буерда гап инсонпарварлик проблемаси устида, бу проблемани ҳал қилиб беришни биз Сиздан илтимос қилаётганлигимиз устида бораётганлигини кеча гапириб ўтди ва бугун такрорлади, мен ҳам буни жуда жиддийлик билан ва бутун эътирос билан яна бир марта таъкидлаб ўтишни истар эдим. Сиз, Министрлар Совети Раиси жаноблари, Совет Иттифоқи бу урушда қилинган жиноятларни унутишни мумкин эмас, деб айтдингиз. Биз буни талаб қилаётганимиз йўқ ва буни кутаётганимиз йўқ. Мен шуни ҳам илова қилиб ўтмоқчиманки, биз, немислар, шу жиноятларни унутишни асло истамаймиз. Бу жиноятларни унутиш қўрқоқлик ва нотантиллик бўлур эди. Лекин Сизнинг сўзларингизда кўриниб турган аламни тушунганим ҳолда бу проблеманинг инсонпарварлик жиҳатини яна бир марта тилга олиб ўтишга ва, модомики, одамлар тўғрисидаги бу масалалар ҳал қилинмас экан, турган жойи маълум бўлган минглаб немисларнинг тақдирини ва бегараж бўлиб йўқолган юзминглаб немисларнинг тақдирини аниқлаб олишга бизга ёрдам берилмас экан, ҳар иккала халқимиз ўртасидаги муносабатларни чинакам нормаллаштиришимиз жуда қийин иш бўлади деб Сизга айтишга ўзимни айниқса ҳақли деб ҳис қиламан.

Министрлар Совети Раиси жаноблари, жаноблар ,немис халқини қайта бирлаштириш масаласи тўғрисида ҳам шу гапларни айтмоқ керак. Халқларимиз ўртасида сиёсий муносабатлар ўрнатиш, бутун Европа учун коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтириш ва шу тариқа бу системада қатнашувчиларнинг ҳаммаси учун чинакам хавфсизлик гарантиялари берилиши, я'ни биз ҳам истаётган ва ҳамма босқичида биз ҳам қўллаб-қувватлайдиган система вужудга келтириш Германиянинг парчаланганлигига асосланадиган бўлса, халқларимиз ўртасида сиёсий муносабатлар ўрнатиш ва шундай система вужудга келтириш мустаҳкам асосга эга бўлмас эдики, буни мен таъкидлаб ўтмоқчиман ва буни буерда очиқ-ойдин қилиб ва виждонан айтишни биз зарур деб ҳисоблаймиз. Бундай хавфсизлик системаси, бизнинг фикримизча, соғлом система бўлмас эди ва хавфни камайтириш ўрнига, балки кучайтиришга бўлур эди, холос.

Сиз, Министрлар Совети Раиси жаноблари, немислар (Сиз тахминан шундай дединг) қийинчиликларни бартараф қилмоқ учун умумий тил топишлари мумкин бўлур эди, чунки ҳал қилиш йўлини топиш, биринчи галда, немис халқининг вазифасидир, деб умид билдирдингиз. Биз буерда Сизга айтаётган ва, Сизнингг, Булганин жаноблари, фикрингизча ҳам, Германиянинг бирлигини қайта тиклаш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа уч давлатга шу қадар жиддият билан ва шу қадар сабот билан биз айтиб келаётган ва бундан кейин ҳам биз айтаберадиган истаклари бир-биримизга баланд овоз билан кўрсатиб бераётган эмишмиз. Менинг фикримча, бизлар бундай ролни бажармаслигимиз лозим, балки осойишталик билан муҳокама қилинишидан кейин чинакам бамаслаҳат бир фикрга келишга очиқ кўнгиллик билан ҳаракат қилишимиз лозим. Немис қўшинларининг Россияга бостириб кирганликлари рост. Кўпгина ёмонликлар содир бўлганлиги рост. Аммо рус армиялари кейин, ўзларини мудофаа қилиб, — мен буни ҳеч сўзсиз тан оламан, —Германияга келганликлари ва ўша вақтда Германияда уруш пайтида кўпгина муҳим нарсалар содир бўлганлиги ҳам рост. Менинг фикримча, модомики, биз муносабатларимизнинг янги даврига киришни истар эканмиз, бундай янги даврга кириш эса бизларнинг жиддий истагимиздир, у ҳолда биз ўтмишни жуда ҳам титқилайберишимиз керак эмас, чунки бундай қилаберсак ўзимиз учун фақат тўсқинликлар вужудга келтираберамиз. Психологик жиҳатдан пойланиб олиш ҳам янги даврнинг бошланиши учун негиз бўлиши лозим.

Министрлар Совети Раиси жаноблари, мен кечаги нутқимдаги бир ёки бирнеча жумлани кўрсатиб ўтишни ҳам лозим топаман, мен ўша нутқимда, немис халқи сиёсий жиҳатдан янгидан тикланаётганда тўрт буюк давлат ўртасида келишмовчиликлар бўлиб турган халқаро аҳвол ичида қолишдек бахтсизликка дучор бўлганлигини айтиб ўтган эдим. Мен Сиздан шу нарсани ҳисобга олишни сўрайманки, қийинчиликларимизнинг анчагина қисми тўрт голиб давлатнинг ўз сиёсатлари давомида бир-бирларидан ажралиб кетганликлари сабабли рўй берди. Менингча, биз ҳам Европа хавфсизлик системасининг барпо қилинишини зарур деб ҳисоблаётганлигимизни ва томонларнинг ҳаммасига хавфсизлик берадиган ва урушни ҳақиқатан даф' қиладиган системани вужудга келтиришга кўмаклашиш учун қўлимиздан келган ҳамма чораларни биз ҳам қилишимизни ҳеч мен етарли даражада равшан ва аниқ қилиб айтиб ўтдим.

Агар Сиз рухсат этсангиз, энди Ташқи ишлар Федерал Министри фон Брентано жаноблариға сўз бераман.

СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев нутқи

1955 йил 10 сентябрь

Федерал Канцлер Аденауэр жаноблариниг ва Ташқи ишлар министри фон Брентано жанобларининг нутқлари муносабати билан баъзи мулоҳазаларни айтиб ўтишни истар эдим. Канцлер жаноблари ўз нутқида, совет қўшинлари Германия территориясида ҳужум қилиб бораётганда улар ҳам ёвузликлар қилди, деган гапни айтди. Биз буни қатъиян рад қиламиз. Босқинчиларни ўз территориясидан ҳайдаб чиқарган совет қўшинлари босқинчиларни озодликка чиқарган эди, холос. Ҳақиқатан, демократик Германиянинг барпо қилинишига олиб келиши мумкин бўлган демократик қарордан кўра яхшироқ ва мустаҳкамроқ асос, қатта ишончли уйғотэоладиган, тўлдираоладиган ва сақлайоладиган яхшироқ ва мустаҳкамроқ асос борми?

Сиз, Министрлар Совети Раиси жаноблари, сўравонлик сиёсатини ҳақли равишда рад этдингиз. Федерал Канцлер жаноблари бунга жавоб бериб ўтди. Мен ҳам шу сўзларни айтиш билан чекланмоқчиманки, бизнинг оримизда сўравонлик сиёсатини талаб қилиш ёки айниқса ўқталиш даражасига бориб етган беландпаша ёки аҳмоқ ҳечбир кимса йўқ. Сиз, Министрлар Совети Раиси жаноблариниг сўзидан яна шу нарсани ҳам, менимча, тушуниб олдимки, Сиз асосий масалада, я'ни, модомики, тартиб ҳамма нарсани ўз ичига оладиган коллектив хавфсизлик системаси билан та'минланмас экан, бу тартиб чинакам ва мустаҳкам тартиб бўлиши мумкин эмас деган масалада Сиз бизнинг фикримизга розисиз. Биз немис халқининг Федерал Республикада яшаб турган қисми учун мана шундай хавфсизликни та'минлаб беришга мажбурмиз, немис халқининг шу қисмини чинакам хавфсизлик системасига киритиш бизнинг мақсадимиздир. Бундай хавфсизлик системаси шу системада қатнашувчиларнинг ҳаммасига уларнинг тинч ва хавфсизликда яшайолишлари учун бевосита гарантия берилиши керак. Сиз, Министрлар Совети Раиси жаноблари, таҳминан бундай дединг: Халқларимиз ўртасидаги муносабатларни нормаллаштиришни тўхтовсиз учун важлар бўлиши мумкин эмас, дединг. Мен Сизнинг бу фикрингизга мутлақо қўшиламан, лекин Сиздан мен шу нарсага ишонишингизни сўрайман, ва Сиз ҳам шундай деб ҳис қилишингизга ишонаманки, халқларимиз ўртасидаги муносабатларни нормаллаштириш механический иш бўлиши мумкин эмас, нормаллаштириш деб аталган ишни нормал бўлмаган асосга қуручи қарор самимий бўлмаган ёмон қарор бўлур эди. Шунинг учун ҳам мен такрорлаб айтаманки, Федерал Канцлер жаноблари ҳеч қандай дастлабки шартларни қўйгани йўқ, у фақат, модомики, нормаллаштиришни истар экан миз, ҳар иккала томон бутун кучини сарф қилиши керак, шу нормаллаштиришга халақит берадиган ҳислари, я'ни, инсон кўнглининг энг нозик жойларида сақланиб турган эзилганлик ҳисларини олиб ташлаб жаҳонни психологик ва ма'навий жиҳатдан ҳалос қилиши керак, деб айтдим, холос.

СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотов нутқи

1955 йил 10 сентябрь

Биз тўпланиб турган бу кенгаш, эҳтимолки, бундан бирқанча олдинроқ ўтказилиши ҳам мумкин эди. Ҳарҳолда буерда бошланган музокараларни бизнинг олдимизга қўйилган проблемаларни кўриб чиқмоқ учун ҳозирги вақтда етарли равишда пишиб етилмаган музокаралар деб ҳисоблаш асло мумкин эмас. Бироқ, модомики, биз биринчи марта учрашган эканмиз, табиийдирки, биз бир-биримизни тушуниб олишга айниқса кўпроқ ҳаракат қилишимиз, ўйлаган ва ҳис қилаётган нарсаларимизни очиқ айтиб беришимиз ва совет халқининг ҳам, герман халқининг ҳам манфаатларига ҳақиқатан мос келадиган қилиб ўз ўртамизда яқинлашиш имкониятларини топишга уринишимиз лозим.

Бу ҳолда мен ташқи ишлар министри сифатида гапиришдан кўра, оддий совет кишиси сифатида гапиришни истар эдим. Шу билан бирга, дарҳол шуни айтишим керакки, ўртоқ Хрушчев ҳозиргина айтган гапларга мен тўла қўшиламан.

Бизнинг территориямизни оккупация қилган гитлерчиларнинг ёвузликларини Улуғ Ватан уруши вақтида ўз Ватанини шараф билан ҳимоя қилган совет қўшинларининг қилган ишлари билан бараварлаштириб айтилган гапларга биз, совет кишилари, индамасдан ўтаолмаймиз. Совет қўшинлари агрессордан ўзларини мудофаа қилиб, уруш ҳаракатлари давомида шундай қарбий чораларни кўришга мажбур бўлдиларки, бусиз асло мумкин эмас эди. Мутлақо равшандирки, совет қўшинларининг Германия территориясидаги бу қарбий чораларини босқинчиларнинг совет территориясида қилган ёвузликлари билан бараварлаштириб бўлмайди. Бундай қилиш совет халқини таҳқирлаш бўлур эди. Бу масалада шу музокараларда умумий тил топишимиз мумкин деб ишонаман.

Ҳозир шуни эслатиб ўтиш керакки, 1945 йилда совет қўшинлари уруш ҳаракатлари давомида Германия территориясига киришганида, Америка қўшинлари ҳам, Англия қўшинлари ҳам нима қилган бўлсалар, улар ҳам умуман шуни қилдилар. Совет қўшинлари билан бошқа иттифоқчи қўшинлар ўртасида ҳарҳолда тафовут бор эди, албатта. Чунки совет қўшинлари олдинда бормоқда эдилар, урушнинг асосий қийинчиликларини енгишни ўз зиммаларига олмоқда эдилар. Бунинг сабаби шуки, ўша вақтга қадар тўрт йил мобайнида деярлик уруш бизнинг территориямизда, совет территориясида борган эди. Совет Армияси ҳам урушнинг тамом бўлишини тезлатмоқ учун лозим бўлган даражада жасурлик ва қатъият билан ҳаракат қилди.

— (ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ва Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

В. М. Молотов нутқининг охири

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Бу ерда совет қўшинларининг ўз ватани учун қилган ишлари тўғрисидагина гапириб қолмасдан, шу билан бирга, уларнинг немис халқи учун нималар қилганлиги тўғрисида ҳам гапириб ўтиш ўринли бўлади.

Федерал Канцлер бизга, Гитлер билан гитлеризмни немис халқи билан тенглаштирмаслик керак, деб айтди. Биз бу гапга тўла равишда қўшиламиз. 1942 йилнинг бошидаёқ И. В. Сталиннинг гитлерлар келиб кетаверади, аммо герман халқи, герман давлати қолаберади деб айтган гаплари бизнинг яхши эсимизда. Бу сўзлар барча совет кишиларининг дилидаги фикрини ифодалайдиган сўзлардир.

Лекин Гитлер армияси Совет Иттифоқига ҳужум қилмаганда эди, немис халқи ҳам шикаст кўрмаган бўлур эди. Шунинг ўзи факт эмасми, ахир. Немис халқининг ўзи Гитлердан ва гитлеризмдан ўзини ўзи халос қилаолмаганлиги факт эмасми, ахир. Иккинчи жаҳон уруши бошланмасдан олдин немис халқи ўзини Гитлердан ва гитлеризмдан халос қилганида эди, Совет кишилари бунга ҳаммадан кўра кўпроқ қувонган бўлур эдилар. Лекин ўша вақтда немис халқи буни қилаолмади.

Кеча менга Федерал Канцлер, Гитлерни ҳеч қачон кўрмаганман ва агар Гитлерни кўрганимда эди уни ўз қўлим билан бўғиб ташлар эдим, деб айтди. Биз, албатта, Аденауэр жаноблари нинг бу ҳисларини тушунамиз. Бас, шундай экан, биз, совет кишиларининг ҳисларини ҳам тушунингиз. Бизнинг армиямиз томонидан қилинган тарихий ишнинг аҳамиятини тушунишингиз—бизнинг совет армиямиз немис халқини фашизмдан, гитлеризмдан қутқарган ҳалоскор армия бўлди.

Аденауэр жаноблари урушнинг охирида германия территориясига кириб борган армиямизнинг уруш ҳаракатларини эслаб ўтганида таҳқирлайдиган ҳеч бир гап айтишни истамаганлигига мен шубҳаланмаман. Лекин ҳарҳолда биз шуни айтишга ҳақлимизки, совет қўшинлари жуда катта қурбонлар бериб Германияга кирганларида улар совет халқининг ҳалоскорлари бўлиш билан бирга немис халқининг ҳам ҳалоскорлари бўлиб кирган эдилар.

Халқимиз Европанинг бошқа халқларини озод қилмоқ учун ҳам бирталай қурбонлар берганлигини сизлар яхши биласиз.

Бизнинг муҳокамамизга қўйилган масалаларга ўтаман.

Совет Ҳукумати нималарни таклиф қилди? Совет Ҳукумати Совет Иттифоқи билан Германия Федерал Республикаси ўртасида нормал дипломатик муносабатлар ўрнатишни таклиф қилди ва таклиф қилмоқда. Буни кеча совет делегациясининг бошлиғи ўртоқ Булганин ҳам, бугун ўртоқ Хрушчев ҳам равшан ва очиқ-ойдин айтиб ўтдилар. Бу нарса Совет Иттифоқи билан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг ҳам ривожланиши учун, шунингдек маданий муносабатларнинг ривожланиши учун яхши негиз бўлур эди. Музокаралар шу масалаларга, шунингдек шу иш билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларга ҳам бағишланиши лозим, деган фикрга Германия Федерал Республикаси рози эканлигини биламиз.

Ўз навбатида Германия Федерал Республикасининг бошлиғи уруш вақтида қилган жуда катта оғир жиноятлари учун совет суди томонидан ҳукм қилинган собиқ ҳарбий асирларга тааллуқли масалани муҳокама қилишни ҳам таклиф этди, яъни ҳақиқатда бунда гап ҳарбий жиноятчиларнинг муайян группаси устида бормоқда. Германия Федерал Республикаси делегациясининг бошлиғи иккинчи масалани, Германиянинг бирлигини қайта тиклаш масаласини муҳокама қилишни ҳам таклиф этди.

Бугун бу ерда Канцлер жаноблари, менинг кечаги баёнотимда «ҳарбий асирлар» деган сўзнинг ўзи тилга олинмаган эди, деб айтди. Бу мутлақо рост. «Ҳарбий жиноятчилар» деган сўзлар ҳам тилга олинмаган эди. Бу ҳам рост. Хўш, биз кимлар ҳақида гапиряпмиз? Германия Федерал Республикаси делегацияси томонидан қўйилган бу масаланинг замирида нима бор? Бизда ҳукм қилинган бирнеча минг ҳарбий жиноятчилар бор. Улар совет халқига қарши, тинчликка ва одамгарчиликка қарши мисли кўрилмаган вахшиёна жиноятлар қилган шахслардир. Булардан бошқа бизда ҳечким йўқ. Модомики, Совет Ҳукумати олдита шу масала қўйилган экан, ана шу ҳарбий жиноятчилар устида гап бормоқда.

Канцлер ҳам, Германия Федерал Республикаси ташқи ишлар министри ҳам ўз сўзларида, босқинчилар ва ҳарбий жиноятчилар томонидан совет кишиларига қарши қилинган жиноятлар ва ёвузликлардан ниҳоят даражада газабланган совет халқининг ҳисларини тушунамиз, деб айтган гапларини биз мамнуният билан қулоқ солиб эшитдик.

Бу проблемани, яъни мазкур оғир ҳарбий жиноятчиларни нима қилиш керак деган масаланы бутун герман халқи Совет Иттифоқи билан Германия Федерал Республикаси ўртасидаги ўзаро муносабатларни ҳал қилмоқ учун асосий ёки биринчи даражали проблема деб ҳисобламоқда, деб ўйламаймиз. Лекин, иккинчи томондан, шуни ҳам э'тироф қилмаслик ярамайдики, бу масала, ҳарбий жиноятчилар масаласи Германия Федерал Республикасига ҳам, шунингдек Германия Демократик Республикасига ҳам тааллуқли масаладир. Агар сизлар бу ишни Германия Демократик Республикасининг вакиллари билан муҳокама қилишга рози бўлсангиз, у ҳолда буни муҳокама қилиш мумкин бўлур эди. Лекин бизнинг фикримизча, Германия Федерал Республикасининг делегацияси ҳозирги шароитда буни мақсадга мувофиқ, деб топмаса керак. Бу билан ҳисоблашмаслигимиз мумкин эмас.

Иккинчи масала — Германиянинг бирлигини қайта тиклаш масаласи ҳам қўйилди. Бу масаланинг герман халқи учун нақадар муҳим масала эканлигини, биз совет кишилари жуда яхши тушунамиз.

Шу муносабат билан шуни айтмасligимиз мумкин эмаски, ҳозирги вақтда бу масалада Париж битимлари сабабли жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Бу битимларни тузиш Германиянинг бирлигини қайта тиклаш манфаатларига асло мос келмайди, бу нарса шу дамгача бўлмаган ва лаф қилиш мумкин бўлган тўсиқ бўлиб қолади, деб Совет Иттифоқи ўз вақтида неча марталаб айтган ва огоҳлантирган эди. Ғарбий Германиянинг Совет Иттифоқига ва Европадаги бошқа тинчликсевар давлатларга қарши қаратилган ҳарбий гуруҳларда қатнашуви ва Ғарбий Германиянинг қайта ҳарбийлаштирилаётганлиги Германиянинг бирлигини қайта тиклашга ёрдам бериши мумкин бўлган йўл эмаслиги фақат совет кишиларигагина эмас, шу билан бирга жуда кўп немисларга, шунингдек бошқа мамлакатларнинг кишиларига ҳам мутлақо равшандир.

Менинг умидим шуки, бу нарса герман халқининг кўпчилиги учун равшан бўлиб қоладиган пайт келишига кўп вақт қолмади. Ҳозирги вақтда биз халқаро кескинлик юмшаб бораётган даврда турганлигимизнинг ўзи мана шундай таҳминнинг тўғрилигини кўрсатувчи фактдир.

Яна шуни ҳам айтишга ижозат беringизки, модомики немисларнинг ўзлари куч ва ғайратларини бирлаштириб Германияни қайта бирлаштириш масаласини ҳал қилишга киришмас эканлар, бу масалани тўғри ҳал қилиш мумкин эмас. Бу масалада тўрт давлатнинг мажбуриятлари бор деб тўғри айтилди. Совет Иттифоқига, Совет Ҳукуматига келганда, биз буни жуда яхши тушунамиз. Шундай бўлса ҳам Германиянинг бирлигини қайта тиклаш аввало немисларнинг ўз ишидир. Шу нарса бўлмаса, немислар бу ишда умумий тил топмасалар, мавжуд қийинчиликларни енгиб бўлмайди.

Бу ерда, Германия Федерал Республикасининг делегацияси ҳеч қандай «дастлабки шартлар» қўяётгани йўқ, деб айтишди. Биз бу гапни, Германия Федерал Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатмоқ учун ҳеч қандай дастлабки шартлар қўйилаётгани йўқ, деган маънода тушунмоқдамиз. Биз, Федерал Канцлернинг буни очиқ-ойдин қилиб айтишини табриклаган бўлур эдик. Германия Федерал Республикаси Ташқи Ишлар Министри фон Брентано жаноблари нинг бугунги гапини ҳам шу маънода табриклаймиз, у ҳам «дастлабки шартлар» деган гапни маъқулламаганлигини айтди. Лекин Федерал Канцлернинг кечаги баёнотида Совет Ҳукумати таклифларида қўйилган масалаларни ҳам, Федерал Канцлер баёнотида қўйилган масалаларни ҳам, «бирбутун ҳолида» ҳал қилиш керак, деб айтилган гап ўзига хос «дастлабки шарт»дан бошқа маънони билдирмаса керак.

Бу гапни ҳарбий жиноятчилар масаласи ва Германияни қайта бирлаштириш масаласи ҳал қилинмагунча Германия Федерал Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиб бўлмайди деган маънода тушунмоқ керакми?

Агар биз ҳарқайсиси ўз аҳамиятига эга бўлган уч ёки тўрт проблемани ёхуд бундан ҳам кўпроқ проблемани бир вақтда ҳал қилишни кутиб ўтиралиган бўлсак, у ҳолда бу нарса совет ва герман халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушадими, ёки, аксинча, бу нарса герман халқининг ҳам, шунингдек совет халқининг ҳам манфаатларига зид бўлиб чиқадими? деган савол туғилади.

Бизнинг фикримизча, биз бу масалаларни бирин-кетин ҳал қилиш билан яхшироқ натижаларга эришамиз. Бир масаланинг ҳал қилинишини, бошқа масалаларнинг ҳал қилинишига қадар таплаб қўядиган бўлсак, бу билан биз шу масалаларнинг ҳар қайсисининг ҳал қилинишини чўзиб юборган бўламиз.

Бизнинг фикримизча, дипломатик муносабатлар ўрнатилиши ҳозирги шароитда Совет Иттифоқининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади, шунингдек, айниқса Германия Федерал Республикасининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади. Бу масалани ҳал қилишни Германия Федерал Республикаси ҳукумати мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайдиган бўлса биз бу масаланы бугун ҳам ҳал қилиб қўяқолур эдик. Бу нарса муносабатларни янада яхшиламоқ ва бошқа масалаларнинг ҳаммасини кўриб чиқмоқ учун бизга имконият берган бўлур эди. Нормал дипломатик муносабатлар ўрнатиш масаласининг ҳал қилишини кейинга суриш, шунингдек бу масалани чалаярим ҳал қилиш йўлидаги ҳарқандай уриниш муддаога олиб бормайди ва бутунлай маҳсадга номувофиқдир.

Менинча, агар биз бундан беш йил муқаддам учрашганимизда эди, вазият ҳозиргига қараганда, уруш тамом бўлганидан кейин орадан ўн йил ўтиб кетган вақтдагига қараганда анча қулайроқ бўлур эди. Лекин ҳозир ҳам турлича ҳаракат қилиш мумкин, албатта.

Совет Ҳукумати бу ишда, икки давлат вакилларининг учрашувини ташкил этишда ташаббусни ўз устига олишга қарор қилди. Биз буни Германия Федерал Республикасининг делегацияси ҳам тўғри тушинади, деб ўйлаймиз. Лекин мен, агар Германия Федерал Республикаси ҳозир муҳокама қилинаётган масаланинг ҳал қилинишини яна қандайдир муддатга қолдиришни лозим деб ҳисоблайдиган бўлса, майли шундай бўлаверсин, деб менман олдин айтилган фикрга қўшиламан, холос.

Яна бир нарсага, тўрт давлат ҳукуматлари Бошлиқларининг яқинда бўлиб ўтган Женева Кенгаши биз муҳокама қилаётган масалалар учун қандай аҳамияти бор, деган масалага тўхталиб ўтмоқчиман. Бунинг аҳамияти шундаки, у давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни яхшиламоқ учун ва Германия проблемасини ҳал қилмоқ учун яхши негиздир. Бунга шак-шубҳа бўлмаслиги керак.

Женева Кенгаши тўрт давлат ўртасидаги муносабатларда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига ва давлатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш манфаатларига мос бўлиб тушадиган давр бўлганлиги бутун дунёда э'тироф қилинмоқда. Шундай бўлса ҳам Ғарбий Германиядаги баъзи газеталарда ва бошқа мамлакатларда чиқаётган бошқа газеталарда ҳам, Женева кенгаши Германия Федерал Республикаси учун ва Герман халқи учун баъзибир ноқулай натижалар берди, деган гаплар эшитилганлигини ўқишга тўғри келмоқда. Бу гапларга биз қўшилаолмаймиз. Халқаро муносабатларда юмшаш бўлишини истамаганлар ва бунинг тескарисига ҳаракат қилаётганлар-гина шундай, деб ўйлашлари мумкин.

Тўрт давлат ўртасидаги муносабатларда ҳозирги вақтда биз қайд қилишимиз мумкин бўлган яхшиланиш урушдан кейинги масалаларнинг ҳал қилинмасдан қолган қисмини ҳал этмоқ учун анча қулай вазият вужудга келтирмоқда. Шу тариқа бу нарса Германия проблемасини муваффақиятли ҳал қилмоқ учун ҳам манфаатлидир.

Ҳозирги музокаралар бўлиб турганлигининг ўзи ҳам давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар яхшиланабошлаганлигини кўрсатади. Бу музокаралар халқаро кескинликни юмшатишга ёрдам бериши лозим. Мана шуларнинг ҳаммаси совет халқининг манфаатларига ҳам, герман халқининг манфаатларига ҳам мос бўлиб тушади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Федерал Республикасининг Ҳукумат делегациялари ўртасида музокаралар

12 сентябрьда Москва вақти блан соат 16 да Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегацияларининг учинчи мажлиси бўлди.

Мажлисда СССР Ташқи ишлар министри В. М. Молотов ва Германия Федерал Республикаси Ташқи ишлар министри Г. фон Брентапонинг ҳукумат делегацияларининг иккинчи мажлисида қабул қилинган қарорига мувофиқ, Ташқи ишлар министрларининг бўлиб ўтган учрашуви натижалари тўғрисидаги ахборотлари тинглади.

Ташқи ишлар министрларининг ахборотлари муносабати блан фикр олишув бўлди, бунда СССР Ҳукумат делегациясининг Бошлиғи СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганин, Германия Федерал Республикаси Ҳукумат делегациясининг бошлиғи Федерал канцлер К. Аденауэр, Бундестаг ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари К. Шмид ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси Н. С. Хрушчев қатнашдилар.

Фикр олишувни келгуси мажлисда давом эттиришга қарор қилинди. Эндиги мажлис 13 сентябрь эрталаб соат 10 да бўлади.

Пахта йиғим-теримида юксак уюшқоқлик учун

(«ПРАВДА»нинг Ўзбекистон ССРдаги мухбиридан)

Ма'лумки, ўтган йил ноябрь ойида Тошкентда Ўрта Осиё, Закавказье республикаларида ва Қозоғистонда пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан кенгаш бўлиб ўтган эди. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги механизаторлари ўз мажбуриятларини ва ана шу кенгашда белгиланган тадбирларни бажараборгб, бу йил жуда катта иш қилдилар.

Республика колхозлари, совхозлари, МТСлари кўкламги ноқулай об-ҳаво шароитини муваффақият блан енгиб ўтдилар. Кўкламги чигит экишни ва ғўза парваришини ўтган йилдагига нисбатан анча уюшқоқлик блан, энг яхши агротехника муддатларида ўтказдилар. Ана шу қимматли техника экинини етиштиришда янги, прогрессив методларни кенг қўлланиш колхозчиларнинг, совхоз ва МТС ишчиларининг бу йилги катта галабаси бўлди. Чигит ҳамма майдонларга тор қаторлаб, 500 минг гектардан ортиқ майдонда эса квадрат-уялаб экилди. Буларнинг ҳаммаси кўпгина колхозларга ва совхозларга пахтадан юқори ҳосил етиштириш имконини берди. Октябрь районидаги Каганович номли, Янгийўл районидаги Сталин номли, Оққўрғон районидаги «Ленинобод» Китоб районидаги Хрушчев номли ва бошқа колхозларда бу йил ҳар гектардан 35 — 40 центнердан пахта йиғиштириб олиш мўлжалланаётир.

Колхозларда суғориладиган ҳар гектар ердан 24 центнердан, ва совхозларда 28 центнердан пахта ҳосили олиш ўз социалистик мажбуриятларини шараф блан бажариш, ўтган йилдагига нисбатан бу йил Ватанга ана шу қимматли хомаш'ёдан 160 — 200 минг тонна кўп етказиб бериш — муҳим вазифадир. Ўзбекистоннинг барча колхозчилари ва механизаторлари, барча меҳнаткашлари ҳозир ана шу вазифани ҳал этиш учун курашмоқдалар.

Эндиликда ҳамма нарса республика партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг, колхозлар, МТСлар ва совхозларнинг пахта йиғим-теримини ўз вақтида, нобудгарчиликсиз ўтказишларига боғлиқдир.

Шунга қарамай, Ўзбекистонда пахта йиғим-теримига тайёргарлик жуда чўзилиб кетди. Ҳозир республикада пахтани хилаб териш бошланган бўлса ҳам, йиғим-теримга тайёргарлик блан алоқадор бўлган кўпгина тадбирлар ҳамон амалга оширилганича йўқ.

Кўпгина колхозларда ва совхозларда хирмон жойлар тайёрланмаган, этаклар ва қоплар тайёрланмаган, пахта сушилкаларининг ремонти бошланмаган, транспорт воситалари, йўллар ва кўприклар, тош-тарозилар, ёнғинга қарши асбоб-ускуналар тартибга солинмаган.

Республикада йиғим-терим техникаси мутлақо қониқарсиз тайёрланаётир. Хатто бу ерда пахтаси машинада терилаиган участкалар ҳозиргача ажратилмаган. Бу майдонлардаги гўза барғларини тўкишга тайёргарлик ишлари жуда секин бормоқда.

Техникани ремонт қилиш ва айниқса мослаштиришда рўй берган аҳвол пахтани ўз вақтида йиғиб-териб олишга катта таҳдид солмоқда. Ҳозиргача жуда кўп йиғим-терим машиналари тахт қилиб қўйилмаган. Кўпчилик МТСлар ва совхозлар пахта терадиган, дори сепадиган, қўрак тозалайдиган ва бошқа машиналар ремонтига ҳануз киришмаганлар. Чигит торқаторлаб экилган майдонлардаги ҳосилни йиғиб-териб олишга мўлжалланган пахта териш машиналарини мослаштириш айниқса ёмон уюштирилган.

Нима гап? Нима учун Ўзбекистонда йиғим-терим техникаси сустқашлик блан ремонт қилинаётир.

Бу шунинг учун юз бердики, республика қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлиги пахта йиғим-терими техникасини мослаштириш учун зарур бўлган узел ва детальларнинг тайёрланиш тўғрисида ўз вақтида ғамхўрлик қилмадилар. 10—20 кунлардан кейин пахта машина блан терилабошланади. Пахта териш машиналарининг ремонти эса ўтган йилдагига нисбатан ҳам анча кейинга қолмоқда.

Республика пахта тайёрлаш давлат планини сурункасига тўрт йил бажармади. Бунга пахтани машинада теришга етарли баҳо берилмагани ҳам катта сабаб бўлди. Манзараниng аниқроқ бўлиши учун қизиқ рақамларни келтириш мумкин. Агар Ўзбекистон машина-трактор станциялари бўйича 1950 йилда пахтани машина блан териб олиш плани умуман 48,9 процент бажарилган бўлса, шундан кейинги йилларда бу кўрсаткичлар анча камайиб кетди. 1954 йилда пахтани машинада териш топшириғини 30,9 процентигина бажарилди. Ҳолбуки, пахта териш машиналари парки йил сайин кўпаймоқда. 1950 йилда республика МТСларида пахта териш машиналари 3067 та, ўтган йили 12 минг та бўлган бўлса, ҳозир 15 мингдир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Министрлар Советининг пахтани бу йилги мавсумда машинада теришни яна қисқартганлари тааажубли ҳолдир: колхозларда ўтган йилги 379 минг гектар ўрнига, бу йил 306 минг гектар ердаги пахтани машинада териб олиш планлаштирилган. Шу нарса ҳам тааажубликки ўтган йили ҳарбир пахта териш машинаси блан мавсумда 40 гектар ернинг ҳосилини териш планлаштирилган ҳолда, бу йил ўрта ҳисобда 22 гектар ердаги ҳосилнигина териб олиш планлаштирилган.

Лекин пахтани машинада териш юзасидан белгиланган ана шу план ҳам барбод бўлиш хавфи остида турибди. Башарти республика МТОларида 15 мингта пахта териш машинасидан ишлашга фақат 8528 таси, совхозларда эса 1950 та терим машинасидан атиги 240 тасигина шайлаб қўйилган экан, у ҳолда пахта нима блан териб олинади. Кўрак тозалаш, пуркагич ва бошқа машиналар ремонти ҳам халиги таъминламаган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети қишлоқ хўжалик бўлимининг, қишлоқ хўжалиги ва совхозлар министрликларининг ходимлари техникани пахта йиғим-терими га тайёрлашдаги ана шу ўпирилиш учун бутун айбни пахта териш машиналари ва бошқа машиналар учун зарур детальларни тайёрлаб бериши лозим бўлган заводларга тўнкашга уринмоқдалар. Сўзсиз, кўпгина саноат корхоналари детальлар тайёрлаш юзасидан олган ўз мажбуриятларини яхши бажармаётирлар, брок, бу ишда маҳаллий ташкилотларнинг ўзлари ҳам айбдирлар.

Чиндан ҳам, бир фактни олиб кўрайлик. Ҳукуматнинг фармойишига кўра Ўзбекистон қишлоқ хўжалик министрлиги бундан 3 ой муқаддам заводлар блан турли узел ва детальларни тайёрлаш юзасидан шартнома тузиб олиши керак эди. Бугунги кунда фақат 13 завод блангина ана шундай шартнома тузилган, холос.

Сўнгра, ҳатто республиканинг ўз заводларида ҳам, айтайлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида ҳам муҳим топшириқлар бажарилмаётир. «Таъмельмаш» заводи (директори ўртоқ Оттигашев) вертикал-шпинделли пахта териш машиналарини қайта ускунлаш учун 12 минг комплект узел ва детальдан фақат 2700 комплектинигина тайёрлаган. Худди шу заводнинг ўзи янги горизонтал-шпинделли машиналарни ишлаб чиқаришни ҳам барбод бераётир. «Ўзбексельмаш» заводи қишлоқ-хўжалик машиналари учун детальлар тайёрлаш топшириқларини систематик суратда бажаришни удалайолмаётир, «Чирчиқсельмаш» заводи янги кўрак териш машиналари ишлаб чиқаришни барбод бермоқда.

Пахтани оммавий суратда териладиган кунлар яқинлашмоқда. Техникани тезроқ тахт қилиш, пахта йиғим-теримига тайёргарлик ва уни муваффақиятли ўтказиш блан алоқадор бўлган бошқа ҳамма тадбирларни намунали амалга оширш чоралари кўрилиши зарур.

Маҳаллий партия, совет ташкилотлари қишлоқ хўжалик органлари бу йил ҳарбир колхоз ва совхознинг пахта тайёрлаш давлат планини бажаришн учун ҳамма чораларни кўришлари лозим.

А. ИВАХНЕНКО.
(«Правда», 13 сентябрь).

ИЛҒОРЛАРДАН УРНАК ОЛИНГИЗ



Чиноз МТСининг механик-ҳайдовчиси ўртоқ Раимқулов илғор теримчилар ва механик-ҳайдовчиларнинг Мурожаатига жавобан, бу йил мавсумда 120 тонна пахта териб бериш юзасидан ўз зиммасига оширилган мажбурият олди. **Суратда: Эргаш Раимқулов.**

Н. Меламед чизган сурат.

▽ ▽

Ўртачирчиқ районидаги Қуйбишев номли колхознинг ўртоқ Хайри Қурбонова бошлиқ бўлган звено а'золари бу йил пахта майдонининг ҳарбир гектаридан 45 центнердан ҳосил топшириш учун курашмоқдалар. Шу блан бирга звено бошлиғи Қурбонованинг ўзи мавсумда 20 тонна пахта териш мажбуриятини олди. **Суратда: звено бошлиғи, илғор теримчи Хайри Қурбонова.**



ГФР Ташқи ишлар Министрлигининг статс-секретари В. Хальштейн баёноти

1955 йил 10 сентябрь

Совет Ҳукумати ўзининг 7 июньдаги нотасида Совет Иттифоқи блан Германия Федерал Республикаси ўртасида савдо-сотиқ соҳасида анча барқарор муносабатлар ўрнатишга ўзининг манфаатдор эканлигини билдирганлигини Федерал Канцлер жаноблари табриклаб ўтдилар.

Федерал Республика маълубият натижасида тамомила вайрон бўлган ва ердан чиққан ўзининг хўжалигини кейинги йиллар мобайнида анча тиклаб олишга муваффақ бўлди ва савдо-сотиқ қилаётган мамлакатларнинг катта қисми блан ташқи савдони анча ҳажмга етказиб қўйди. Бу тараққиёт айни вақтда миллатлар ўртасида яхши иқтисодий муносабатлар ўрнатилиши ялпи фаровонлик учун, шунингдек сиёсий муносабатларни яхшиламоқ учун қанчалик аҳамияти борлитини ҳам кўрсатди.

Иккинчи томондан, шу нарсани кўрмаслик мумкин эмаски, ўзаро ишонч вазияти узоқ давом қиладиган ва ўзаро манфаатли савдо муносабатларининг негизларидан биридир. Федерал Ҳукумат бу ерда бўлаётган музокаралар Федерал Республика блан Совет Иттифоқи ўртасидаги традицион савдо-сотиқнинг янада жонланиши учун мана шундай негиз вужудга келтиришга ёрдам беради, деган умидга таяниб иш кўрмоқда.

Ғарчи, кейинги йилларда иккала томон учун манфаатли асосда айрим савдо битимлари тузилган бўлса ҳам бизнинг тартибга солинган савдо муносабатларимиз узоқ йиллар давомида бузилиб қолганлигини тушуниб олишимиз лозим. Мана шу узилиш мобайнида, айниқса Совет Иттифоқидаги индустрлаш сиёсати натижасида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айрибошлашнинг модий ва структура негизларида ҳар иккала томонда бир талай ўзгаришлар рўй берди. Шу сабабли биз ҳар иккала томон учун қониқарли ҳажмда товар оборотини бошлаб юбормоқ учун қандай амалий имкониятлар мавжудлигини биргаликда куч ва ғайрат сарфлаб белгилаб олишимиз лозим. Бунинг учун мана шундай товар айрибошлашнинг характери ва ҳажми тўғрисида Совет Ҳукумати блан музокаралар олиб бориш зарур бўлур эди.

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев ўртоқлар бир группа Америка сенаторларини қабул қилдилар

12 сентябрьда СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Булганин ва КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев Америка сенаторлари Г. Дворжакни, И. Кефоверни, Ж. Мэлонни ва унинг рафиқасини, Ж. Фрирни ва М. Янгни қабул қилдилар ҳамда улар блан узоқ суҳбатлашдилар. (ТАСС).

Зоҳида Ҳайдарқулова бир кунда 248 килограмм пахта терди

Пискент районидаги Молотов номли колхознинг коммунист Мадали Ҳамдамов бошчилик қилаётган бригаданинг илғор а'золари 120 гектар ердаги ғўзани агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар.

Бригадада пахта теримига ҳартомонлама пухта тайёргарлик блан киришилди. Илғор теримчи Зоҳида Ҳайдарқулова 4 сентябрь куни 248 килограмм пахта терди. Унинг шогирдлари Жалилова, Умриқулова, Қурбонова ўртоқлар кунига 180—190 килограммдан пахта термоқдалар.

Бригадада илғор теримчи ҳисобланган Зоҳида Ҳайдарқулова ўтган йили 8000 килограмм пахта терган эди. У, бу йил кўпмингчилар ҳаракатига қўшилиб мавсумда 12000 килограмм, бригаданинг ўндан ортиқ а'зоси эса 10 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олди.

Теримчиларга яхши шароит яратиб берилган. Дала шийпонларида кўчма боқча ва ясли ҳамда иссиқ овқат ташкил этилди.

Қ. ҲАЙДАРОВ.

Сентябрьда 40 процент пахта бериш учун

Гулистон районидаги Калинин номли колхоз пахтакорлари 600 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан 24 центнердан ҳосил етиштириш учун ўз зиммаларига социалистик мажбурият олган эдилар. Ғўза агротехниканинг янги, прогрессив усули асосида парвариш қилиниши туфайли ҳамма майдонда мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди.

Колхоз пахтакорлари етиштирилган ана шу мўл ҳосилни йиғиб-териб олишга пухта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар. Терим даври учун барча тайёргарлик кўрилди.

Мана шу олдиндан кўрилган намунали тайёргарликлар пахта теримини зўр уюшқоқлик блан бошлаб юборишга имкон берди. Ҳозир колхоз ҳар куни 1—1,5 процент миқдорида пахта териб, давлатга топширмоқда. Топширилаётган пахталар отбор ва биринчи сортларга қабул қилинаётир.

Колхоз правлениеси теримдаги барча колхозчиларга зарур шароитларни яратиб берди. Ҳарбир бригадада болалар боқчаси ва ялиси ташкил қилиниб, болали оналарнинг унумли ишлашлари учун имкон яратилди.

Колхознинг Бўри Сарибоев, Усар Бекбўтаев ва Тўлаган Жумақов ўртоқлар бошчилик қилаётган бригада а'золари КПСС XX с'езди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, терим сур'атини тобора авж олдирмоқдалар. Бу бригадаларнинг Робия Умарова ва Шарофат Муҳаммедовалар каби ўнлаб илғор теримчилари ҳар куни 80—100 килограммга етказиб пахта териш блан бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Колхозда кўнимчилар ҳаракати кундан-кунга кенгаймоқда. Ҳозир уларнинг сони 50 кишидан ошиб кетди. Колхоз пахтакорлари сентябрь ойида йиллик планнинг 40 процентн миқдорида пахта тайёрлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйдилар. Улар ўз сўзларининг устидан чиқиш мақсадида партиямиз XX с'езди шарафига мусобақани қизитиб, терим сур'атини ҳарқачонгидан ҳам тезлаштириб юбордилар.

Т. РУЗИБОЕВ.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ўнинчи сессиясида қатнашучи СССР делегацияси

СССР Иттифоқи Министрлар Совети Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 20 сентябрьда Нью-Йоркда очиладиган ўнинчи сессиясига қуйидаги составда делегация тайинлади: делегация бошлиғи — СССР Иттифоқи Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар министри В. М. Молотов, делегация бошлиғининг ўринбосари — СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. В. Кузнецов; делегация аъзолари — Литва ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси ва Фанлар академиясининг президенти Ю. Ю. Матулис, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Я. А. Малик, СССРнинг БМТдаги доимий вакили А. А. Соболев.

Қуйидагилар делегация аъзоларининг ўринбосарлари қилиб тайинланди: СССРнинг АҚШдаги элчиси Г. Н. Зарубин, Грузия ССР Олий Советининг Раиси ва Давлат университетининг ректори В. Д. Купрадзе, Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Т. Т. Тожибоев, СССР ташқи савдо министрининг ўринбосари П. Н. Кумикин, РСФСР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари Т. А. Николаева.

Қуйидагилар делегация маслаҳатчилари қилиб тайинланди: В. Ф. Грубяков, В. С. Емельянов, Л. М. Замятин, Б. С. Иванов, Н. И. Иванов, Л. Ф. Ильичёв, А. П. Морозов, П. Д. Морозов, А. Н. Николаев, В. И. Петухов, А. А. Рощчин, Г. Ф. Саксин, А. А. Солдатов, А. А. Фомин ва М. А. Чекмарев. (ТАСС).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ўнинчи сессиясида қатнашадиган Украина ССР делегацияси

КИЕВ, 12 сентябрь. (ТАСС). Украина ССР ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ўнинчи сессиясида қатнашадиган делегацияни тайинлади. Делегацияга Украина ССР Ташқи ишлар министри Л. Ф. Паламарчук бошчилик қилади; делегация аъзолари: П. З. Штокало, Н. Е. Крутикова, И. А. Толкунов, В. И. Сапожников.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ўнинчи сессиясида қатнашадиган Белоруссия ССР делегацияси

МИНСК, 12 сентябрь. (ТАСС). Белоруссия ССР ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг ўнинчи сессиясида қатнашадиган делегацияни тайинлади. Делегацияга Белоруссия ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва Ташқи ишлар министри К. В. Киселев бошчилик қилади. Делегация составида М. Т. Линьков, А. П. Ус, К. П. Абушкевич ва А. Е. Гуринович бор.

РУМИНИЯДА ГАЗ САНОАТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

БУХАРЕСТ, 12 сентябрь. (ТАСС). Руминия табиий газнинг ғоят катта запасларига эгадир. Бу газ ўзидаги метан миқдори жиҳатидан дунёда энг бой газ ҳисобланади. Илгари вақтда метан оз миқдорда, асосан майда қатламлардан ҳосил қилинар эди, чунки мавжуд асбоб-ускуналар чуқур пармалаш имконини бермас эди.

Халқ ҳокимияти йиллари ичида эски пармалаш ва эксплуатация қилиш асбоб-ускуналари мамлакатнинг ўзида ишланган ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан алмоштирилди. Пармалашнинг сур'ати тезлашди. Агар илгари қудуқ икки йил давомида пармаланган бўлса, ҳозирги вақтда ана шундай чуқурликлари қудуқ 2—3 ой ичида пармаланмоқда. Халқ ҳокимияти йиллари ичида метан чиқариш қарийб 8 марта кўпайди. Қидириш ишларининг кенг миқёсда олиб борилиши натижасида янги газ конлари топилди. Шарош—Бухарест ўртасида газопровод қурилди. Бу газопровод пойтахтдан ташқари Праҳов водийсидаги шаҳар ва саноат марказларини газ билан таъминлайди. Заул—Клуж газопроводи ҳам эксплуатацияга топширилди. Газопроводларнинг умумий узунлиги 1944 йилдагига нисбатан қарийб 4 марта кўпайди. Ҳозирги вақтда янги газопроводлар қурилиши юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу янги газопроводлар мамлакатдаги муҳим саноат марказларини газ билан таъминлайди.

Метан чиқаришнинг кўпайиши билан бир қаторда уни химия йўли билан қайта ишлаш ҳам ривожланмоқда. Курум ва аммиак ишлаб чиқариш 1955 йилнинг охирига бориб, 1938 йилдагига нисбатан 13 марта кўпаяди. Иккинчи бешйилликда курум чиқариш икки ҳисса кўпайтирилади. Аммиак ишлаб чиқариш ҳам кенгайтирилмоқда. Руминияда метандан бевосита формалин ишлаб чиқарадиган ва Европада ягона бўлган установка ишлаб турибди. Руминиянинг химия корхоналарида метан шавел ва чумоли кислоталари тайёрлаш учун хомашё ҳисобланади. Метандан тажриба тариқасида синил кислотаси олинди. Бу кислота синтетик тола тайёрлаш учун хомашё ҳисобланади.

ИНДОНЕЗИЯДА САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ

ЖАКАРТА, 12 сентябрь. (ТАСС). Яқинда парламент сайловлари ўтказилиши муносабати билан Ява ва Суматра оролларининг турли шаҳарларида оммавий митинглар бўлаётганлиги тўғрисида Индонезия матбуоти хабар бермоқда. Бундай митинглар Жакарта, Сурабайя, Бандунг, Медан ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтди.

«Харian ракьят» газетасининг хабар беришига қараганда, кеча Жакартада кўп мингкишилик митинг бўлган. Бу митингда Коммунистик партия бош секретари Айдит сайловолди нутқи сўзлаган. Айдит яқин сайловлар ўтказишнинг муҳимлигини айтиб ўтган ва Шарқий Ява аҳолисини тўла равишда миллий мустақиллик учун, барча аҳоли табақаларининг манфаатлари учун, халқнинг демократик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида олиб борилаётган курашда бирлашишга чақирган. Бизнинг халқимиз, деган у, миллий озодлик учун курашда ўзининг мустаҳкам бирлигини кўрсатиши лозим. Биз бўладиган сайловларда ана шу бирликни намойиш қилиб кўрсатишимиз лозим.

Матбуотнинг хабарларида айтилишича, Медан шаҳрида ҳам оммавий митинг бўлган. Бу митингда миллий партиянинг раҳбарларидан бири, собиқ йўллар министри Гани сўзга чиқиб, Суматра аҳолисини миллий партия учун овоз беришга чақирган. У, Харахаб ҳукуматининг тутаётган йўлини танқид қилган ва, жумладан, бу ҳукуматнинг порахўрликка қарши курашиш мақсадида кўраётган чоралари адолатли чоралар эмаслигини ва бу чоралар замирида сиёсий асос борлигини кўрсатиб ўтган.

Германия Демократик Республикаси давлат хавфсизлиги ишлари бўйича статс-секретарь ҳузурида матбуот конференцияси

БЕРЛИН, 11 сентябрь. (ТАСС). Немис демократик матбуоти билдиради: Кеча Лейпцигда Германия Демократик Республикаси давлат хавфсизлиги ишлари бўйича статс-секретарь томонидан чақирилган матбуот конференцияси бўлди.

Матбуот конференцияси қатнашчиларн орасида Ғарбий Германиядан ва Ғарбий Берлиндан Лейпциг ярмаркасига келган ишчилар бор эди.

Матбуот конференциясида «берахмликка қарши кураш группаси» деб аталган жосуслар ташкилотининг собиқ тўрт агенти — Курт Писколь, Вилли Вондра, Ильзе Рютинг ва Гюнтер Эльбрехт сўзладилар. Улар кишиларни агентликка жалб этиш методлари тўғрисида ва Ғарбий Берлиндаги жосуслик марказларининг жиноий ишлари ҳақида гапирдилар. Ана шу собиқ тўрт агентнинг ҳаммаси Германия Демократик Республикаси хавфсизлик органларига ўз ихтиёрлари билан келиб, ўзларининг жосуслик ишларини тўхтатганликларини билдирган.

Матбуот конференциясида раислик қилган полковник Борман ўз баёнотида ва саволларга қайтарган жавобларида Женева кенгашидан кейин Ғарбий Берлиндаги жосуслик марказлари Германия Демократик Республикасига қарши қўпоручилик ишларини кучайтирганликларини таъкидлади.

У, жосуслик ташкилотларини тарқатиб юбориш зарурлигини айтди ва бу чора кескинликни юмшатишга ва умумгерман битимини тузишга ёрдам берган бўлар эди, деди.

Хитой газетаси граждан шахсларни репатриация қилиш тўғрисида Хитой-Америка битимини табрикламоқда

ПЕКИН, 12 сентябрь. (ТАСС). Хитой матбуоти Женевада ўтказилаётган Хитой-Америка музокараларининг биринчи модаси юзасидан бир битимга келинганлигини табрикламоқда.

«Жэньминьжибао» газетаси бошмақоласида ҳар иккала томон граждан шахсларни репатриация қилиш тўғрисида битимга келинганлигини шарҳлаб, бундай деб ёзади: Бу битим ХХР билан АҚШ ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамжиҳатликни кучайтиришга ёрдам берадиган яхши ишнинг бошланишидир. Бу битимга келиш, деб ёзади «Жэньминьжибао» газетаси, АҚШ билан ХХР ўртасидаги муносабатларни яхшилаш учун катта қулайлик туғдиради. «Жэньминьжибао» газетаси яна қуйидагиларни ёзади: Тўрт давлат ҳукуматлари бошлиқларининг Женева кенгашидан кейин Хитой-Америка музокаралари бошланди. Женева кенгаши «совуқ муносабатлар урушни»ни тугатиш учун, халқаро кескинликни янада юмшатиш учун йўл очиб берди. Шу нарса тамомила равшанки, деб ёзади газета, ҳамкорлик руҳи бўлмаганида ва ҳар иккала томоннинг фикрларини бир-бири билан яқинлаштиришга ҳаракат қилинмаганида, битимга эришиш мумкин бўлмас эди. Бу ҳол ҳар иккала томон масалани ҳал этишга астойдил интилганида, халқаро миқёсдаги ҳар қандай жанжалли масаланинг музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилиши мумкин эканлигини яна бир марта яққол исбот этади.

Илмий-техника ҳамкорлиги юзасидан Совет-Герман комиссиясининг сессияси тўғрисида ахборот

СССР билан Германия Демократик Республикаси ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги юзасидан Совет—Герман Комиссиясининг тўртинчи сессияси яқинда Берлинда ўз ишини тамомлади.

Дўстона вазиятда ўтган бу сессияда томонлар ҳар иккала мамлакат халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги илмий-техника ютуқларини ва ишлабчиқариш тажрибасини бундан кейин ҳам айирбошлаш масалаларини кўриб чиқдилар.

Тинч ижодий меҳнат билан шуғулланаётган Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикаси фан ва техниканинг барча соҳаларида илмий-техника ҳамкорлигини кенгайтирмоқдалар ва ривожлантирмоқдалар. Ядро физикаси ва атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида илмий-техника ҳужжатларининг Совет Иттифоқи томонидан Германия Демократик Республикасига бепул топширилиши ҳамда бу соҳада ГДР илмий ходимларини ва инженерларини тайёрлаш ана шу ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир.

Бу сессия олимларни, инженерларни, саноат ва қишлоқ хўжалик илғорларини командировка қилиш йўли билан Совет Иттифоқи ва Германия Демократик Республикасининг талайгина миқдордаги мутахассисларини ҳар иккала мамлакатнинг илмий-техника ютуқлари билан таништиришни уюштириш масаласига катта эътибор берди.

Томонлар имзолаган протоколга мувофиқ, Совет Иттифоқи Германия Демократик Республикасига металлургия, машинасозлик, химия, электротехника ва радиотехника саноати учун, жумладан колошник остида кучайтирилган газ босими билан ишлайдиган домна печини ускуналаш, кўмир саноати техника ҳужжатлари учун пневматик закладка машинасини топшириди ҳамда техника ёрдами кўрсатиш учун Германия Демократик Республикасига мутахассислар юборади.

Германия Демократик Республикаси эса ўз навбатида, машинасозлик, электротехника ва химия саноатини ускуналаш учун, жумладан ҳозирги замон рентген аппаратлари, виброгрохотлар ва бошқа машиналарнинг техника ҳужжатларини Совет Иттифоқига топшириди ҳамда техника ёрдами кўрсатиш учун СССРга мутахассислар юборади.

Бундан ташқари, Германия Демократик Республикаси СССР учун асосан асбобсозлик соҳасида бирқанча илмий-текшириш ва конструкторлик ишларини бажаради.

Совет делегацияси тўртинчи сессиянинг иш даврида Германия Демократик Республикасининг айрим саноат корхоналари ва илмий муассасалари билан таништирилди. Шу билан бирга ГДР олимлари ва инженерлари СССР делегациясининг аъзолари билан ҳартомонлама суҳбат олиб бордилар, бу суҳбатлар ҳар иккала томон учун қимматли натижалар берди.

Буюк Британия Коммунистик партиясининг Кипр тўғрисидаги баёноти

ЛОНДОН, 12 сентябрь. (ТАСС). Кеча Буюк Британия Коммунистик партияси инглиз халқини Кипр аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлашга чақириб баёнот эълон қилди.

Баёнотда айтилишича, Англия, Греция, ва Туркия ташқи ишлар министрларининг ўтган ҳафтада тамом бўлган Лондон кенгаши «аввал бошданоқ муваффақиятсизликка учраши муқаррар эди». — «Кипр халқининг ҳаёти ва асосий демократик ҳуқуқлари кун тартибида турган ҳолда, дейилади баёнотда, шу музокараларда Кипр ҳақидан вакил қатнаштирилмади».

Баёнотда инглиз қўшинларининг Киприга жўнатилганлиги қораланган ва «инглиз консерваторлари Кипрда мустамлака идорасини сақлаб, ҳал қилувчи ҳуқуқларнинг ҳаммасини Англия ҳукумати қўлида қолдируви конституцияни таклиф қилиб, Кипрининг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиши тўғрисидаги реал масалани ҳал этишдан бўйин товлашга уринмоқдалар», дейилади.

Ҳиндистон компартияси Марказий комитети пленумининг резолюцияси

ДЕҲЛИ, 13 сентябрь. (ТАСС). Буерда Ҳиндистон Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми бўлаётир. Пленум Ҳиндистон территориясидаги Португалия қўл остида бўлган ерларни озод қилиш учун курашда ҳалок бўлган ҳинд ватанпарварларининг хотирасини ҳурмат билан эсга оладиган резолюция қабул қилди. Резолюцияда португалияли империалистлар Ҳиндистондан чиқиб кеттунча ҳинд халқи курашни тўхтатмайди, дейилади.

Тарихшуносларнинг X халқаро конгресси ёпилди

РИМ, 12 сентябрь. (ТАСС). Кеча Римда тарихшуносларнинг X халқаро конгресси ўз ишини тамомлади. Охирги мажлисда сўзлаган докладчилар ижтимоий системалари турлича бўлган мамлакатлардан келган делегациялар қатнашган бу конгресс олимларнинг халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб яқдиллик билан таъкидладилар.

Тарихшуносларнинг янаги халқаро конгресси 1960 йилда Стокгольмда бўлади.

АҚШ, Англия ва Канада ҳарбий ва граждан мутахассисларининг ёпиқ кенгаши

НЬЮ-ЙОРК, 12 сентябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг Оттавадан хабар беришига кўра, бугун уерда АҚШ, Англия ва Канада ҳарбий мутахассислари ва олимларининг биологик, химия қуролларини ва ўтсепиш қуролларини қўлланиш масалалари юзасидан махфий кенгаши очилади. Кенгаш икки ҳафта давом этади.

Бундай кенгашлар Канадада ҳар беш йилда бир марта ўтказилиб турилади.

Бразилияда академик Павлов номидаги жамият тузилди

МОНТЕВИДЕО, 12 сентябрь. (ТАСС). Бразилияда чиқадиган «Импренса популар» газетаси билдиради: Освальдо Круно номидаги академик марказнинг ташаббуси билан Сен-Паулодаги медицина мактаби ҳузурида академик Павловнинг таълимотига бағишлаб бирқанча илмий конференциялар ўтказилди. Конференциядан кейин Сен-Паулода Павлов номидаги физиология ва медицина жамияти тузилди.

Рио-де-Жанейрода, Ресифеда, Порто-Алегреда ва бошқа шаҳарларда шундай конференциялар ўтказилади ва Павлов номидаги жамиятлар ташкил этилади.

Синьцзян вилоятида уйғур автоном райони тузилади

ПЕКИН, 12 сентябрь. (ТАСС). «Женьминьжибао» газетаси билдиради: Синьцзяннинг уйғур автоном районини тузиш учун 20 сентябрьда Урумчи шаҳрида Синьцзян вилояти халқ вакиллари мажлисининг иккинчи сессияси очилади.

Газета бундай деб ёзади: Синьцзяндаги барча миллатлар халқ ҳокимияти йилларида сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт соҳасида катта муваффақиятларга эришдилар. Бу эса, Синьцзян автоном районини тузиш учун шароит вужудга келтирди. Автоном районнинг тузилиши Синьцзяннинг ҳамма соҳада янада ривожланишига ёрдам беради.

«Женьминьжибао» газетаси билдиради: Ҳозирги вақтда Синьцзян уйғур автоном районини тузиш соҳасидаги тайёргарлик ишлари тамомланди. Бу автоном районнинг тузилиши 1 октябрьда эълон қилинади. Хитой, уйғур, қозоқ ва мўғул тилларида чиқадиган «Синьцзяньжибао» газетаси мамлакат озод қилинганидан кейин ўтган 6 йил мобайнида катта муваффақиятлар қўлга киритилганлигини таъкидлайди.

Поляк эмигранти Залесскийнинг айтганлари

ЛОНДОН, 12 сентябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги хабар беради: Поляк реакцион эмиграциясининг раҳбари А. Залесский Лондонда гапириб, Польша эмиграция ҳукумати деб аталган ҳукуматга яқинда бош министр бўлиб тайинланган Хуго Ганкенинг Польшага қайтганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб жуда ҳайратда қолдим, деган.

Вьетнам Бирлашган миллий фронтининг с'езди ёпилди

ХАНОЙ, 12 сентябрь. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги билдиради: Вьетнам Бирлашган миллий фронтининг с'езди ўз ишини тамомлади. Бирлашган миллий фронтнинг янги устави ва янги программаси қабул қилинди. Фронт энди кенгроқ асосга эга бўлади ва Вьетнам Ватан фронти деб аталади.

С'езд турли сиёсий партиялар, ташкилотлар, турли миллатларнинг вакилларидан ва аҳолининг барча табақалари вакилларидан иборат Бирлашган миллий фронт Марказий комитетини сайлади. Президент Хо Ши Мин Ватан фронтининг фахрий раиси қилиб сайланди. Тон Дук Танг Ватан фронти президиумининг раиси қилиб сайланди.

Президент Хо Ши Мин с'езднинг ёпилиши олдидан нутқ сўзлаб, делегатлар томонидан қабул қилинган программа миллий бирлик программасидир ва бу программанинг кузатган мақсади мамлакатда тинчлик, бирлик, мустақиллик ва демократия учун курашдан иборат, деди. Хо Ши Мин кўп нарсани ўз ичига олган бу программани аҳоли қўллаб-қувватлайди ва бутун дунёдаги тинчликсевар халқлар бу программани ҳайрихоҳлик билан кутиб оладилар, деб билдирди.

С'езд резолюция қабул қилди. Бу резолюция Вьетнам халқининг Женева битимини пухта амалга оширишга, тинчлик учун, бирлик, мустақиллик ва демократия учун курашишга, Шимолий Вьетнамни мустаҳкамлашга ва жанубдаги аҳолининг адолатли курашини қўллаб-қувватлашга қат'ий қарор берганлигини изҳор қилади.

„КОЛХОЗ ОШПАЗИ“



Рассомларимизнинг кейинги вақтларда ижодкор совет кишилари образини яратишга кўпроқ эътибор беришлари тасодифий ҳол бўлмасдан, балки ҳаётни ва рус классик тасвирий санъати меросларини чуқур ўрганиш натижасидир.

Маълумки XIX асрнинг иккинчи ярмидаёқ демократ рус рассомлари, портрет санъатда жанр сифатида рус тасвирий санъати мактабининг шон ва шуҳратидир, деб атаган эдилар.

Совет санъатида портрет янада катта аҳамиятга эга бўлиб, унда бахтли ҳаёт қураётган совет кишисининг характерли хусусиятларини бадиий полотнода, ранг-баранг бўёқларда тасвирлаш вазифаси турали.

Совет Ўзбекистони санъати кейинги вақтларда портрет жанрида катта ютуқларга эришди. В. Фадеевнинг «Дурадгор», Н. Қўзибоевнинг «Юнус Ражабий», А. Винернинг «Қосим Хўжаев», Ю. Елизаровнинг «Мухтор Аштрафий» портретлари ана шулар жумласидандир.

Портрет жанри асарлари ичида тошкентли рассом Зокир Иноғомовнинг «Колхоз ошпази» асари ҳам муҳим ўринни эгаллайди. «Колхоз ошпази» колхозчиларнинг оддий ҳаётини ҳикоя қилучи портретдир. Асар композицияси пухта ишланган: олдинги планда салобатли ошпаз аёлнинг оддий портрети бўлмай, балки лаззатли овқат пиширяпти, уни колхозчиларга улашиш учун тайёр турган аёл қиёфаси тўлалигича акс эттирилган.

Рассомнинг композицион приёмидан ҳам кўриниб турибдики, у тамошабинлар диққатини аёлга жалб этган. Шу мақсадда у аёлни биринчи планда тасвирлаб, унинг характерли хусусиятларини кўрсатади, картинанинг сюжет марказига айлантиради. Қолган барча деталлар; пейзаж, лавҳалар эса портрет-картинани тўлдирган. Детаплар иккинчи планда кўрсатилса ҳам ошпаз образини очиб беришда катта роль ўйнайди. Ҳақиқатан ҳам агар даладаги пахта териш машинаси, шийпон колхозчилар лаззатли палов солинган идиш-товоқлар бўлмаса колхоз ошпази тўғрисида тўла тасаввур ҳосил қилаолмаймиз. Энг зарур детальларнинг усталик билан чизилиши сабабли воқианинг колхоз пахтачилик бригадаси шийпонида бўлаётганини билиб оламиз. Моҳирлик билан ишланган ошпаз портретида аёлнинг меҳнатсеварлиги, ўз касбига меҳр қўйиб ишлаётганлиги, колхозчиларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш учун интилаётган совет кишиси эканлиги ёрқин кўзга ташланади.

Иноғомовнинг бу асари колхозчилар ҳақида яратилган биринчи тўлақонли асардир. Рассом ўз маҳоратини ошириш учун ҳаётни янада чуқурроқ ўрганиб янги асарлар устида қунт билан ишламоқда.

Суратда: рассомнинг «колхоз ошпази» картинасидан репродукция.

О. АПУХТИН.

Миср журналистлари делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Ўзбекистонда меҳмон бўлаётган Миср журналистлари делегацияси республика меҳнаткашларининг турмуши билан танишмоқда.

12 сентябрьда делегация аъзолари Тошкент бош архитектори М. Булатов билан биргаликда шаҳар бўйича сайр қилдилар. Сўнгра улар Октябрь районидаги Каганович номли колхозга бориб, уерда бирнеча соат бўлдилар. Колхоз раиси, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хамроқул Турсунқулов Миср журналистларига колхознинг экономикаси тўғрисида, колхозчиларнинг меҳнати тўғрисида, колхозчилар механизаторлар билан ҳамкорлик қилиб, катта майдонларда йил сайин пахтадан юқори ҳосил етиштираётганликлари тўғрисида батафсил гапириб берди. Меҳмонлар колхозда меҳнатнинг ташкил қилинишига, пахтакорларнинг олаётган даромадларига, колхоз қишлоғининг маданиятига доир кўп саволлар бердилар. Улар ҳамма саволларига тўла жавоблар олдилар.

Делегация аъзолари Каганович номли колхозда пахта майдонларини, болалар боғчасини, радиоузелни, мактабни бориб кўрдилар, пахтакорлардан бирининг уйида бўлдилар. Колхоз правлениеси меҳмонлар шарафига зиёфат берди. Зиёфат дўстона вазиятда ўтди. Колхоз бадиий ҳаваскорлик коллективининг қатнашчилари меҳмонларга концерт қўйиб бердилар.

Миср журналистлари эртаси куни Сталин номидаги Тошкент тўқимачилик комбинатини бориб кўрдилар. Улар комбинат фабрикаларида бўлдилар, ишчилар билан суҳбатлашдилар, тўқимачилар ва оладиган профилакторийнинг иши билан танишдилар, комбинатнинг медицина-санитария қисмини ва Маданият саройини тамоша қилдилар.

Делегация аъзолари ЎзТАГ мухбири билан суҳбатда ўз таассуротлари тўғрисида сўзлаб бердилар.

«Дарул-Хилол» нашриётининг ходими Инжи Рушди хоним колхозда ва тўқимачилик комбинатида хотин-қизларнинг катта активлигига эътибор берганлигини айтди.

— Мен шундай хулосага келдимки, — деди у. — Ўзбекистон хотин-қизлари жамиятда кўзга кўринарли ўрин олиб турмоқдалар, Ўзбек хотин-қизлари ўз республикаларининг ривожланиши ва тараққий этиши учун кўп ишларни қилмоқдалар.

«Ахбарул — Яум» нашриёти эгасининг шериги ва бош редактори, делегация бошлиги вазифасини бажаручи Али Амин бундай деди:

— Ўзбекистонга келганимдан кейин кўзимга ташланган биринчи нарса-маҳаллий аҳолининг меҳмонларни хурсандчилик билан кутиб олганликларидир. Биз совет кишилари билан дўстлашиш осон эканлигига ишонаётирмиз. Совет кишилари меҳнатга жиддий муносабатда бўладилар, уларнинг моддий аҳволи юксакдир. Совет ҳукуматининг меҳнаткашлар тўғрисида катта ғамхўрлик қилаётганлиги, болаларни тарбиялаш учун кўп ишларни қилаётганлиги эндиликда бизга аён бўлиб қолди. Биз бу ерда кўрганларимизнинг ҳаммасини ўз мақолаларимизда ҳикоя қилиб берамиз ва бизнинг миср газетхонларимиз бу хабарлардан қойил қоладилар, деб ишонамиз. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 14/IX да **Шамсиқамар**, 15/IX да **Алишер Навоий**.

НАВОИ НОМЛИ ТЕАТРДА — 14/IX да **Эсмеральда**, 15/IX да **Евгений Онегин**.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА» (кундуз соат 12 дан кеч 6 гача), «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 дан кундуз 2 гача), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун) — янги чехословак бадиий фильми **Энг яхши одам**.

НАВОИ номли (эрталаб соат 10 дан кеч 8 гача), «ЁШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 10 дан кеч соат 6—45 минутгача — янги венгер бадиий фильми **Мен ва бобом**.

«РОДИНА» — эрталаб соат 10 да **Ломоносов**, кеч соат 8 ва 10 да **Дунай фарзанди**.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — кеч соат 8 яримдан **Лимеривна**.

«ЎЗБЕКИСТОН»—кундуз соат 2 дан **Ефрейтор Кочетков ҳодисаси**.

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», «УДАРНИК», КИРОВ номли — **Энг яхши одам**.

«ХИВА» — **Мен ва бобом**.

Тошкент шаҳар, 1-нчи Тракторний переулок, 7-нчи уйда туручи **Роза Михайловна Эппельнинг** Одесса шаҳар, Дегтярная кўча, 37-нчи уй, 14-нчи квартирада туручи Мойсей Рувинович Эппельдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 2-нчи участка халқ судида кўрилади.

Газета ва журналларга

1955 йилнинг IV квартали учун обуна қабул қилиш давом этмоқда

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон»,
«Правда Востока»,
«Ўзбекистони сурх»,
«Тошкент ҳақиқати»,
«Ташкентская правда»,
«Ёш ленинчи»,
«Комсомолец Узбекистана»,
«Ленин учқуни».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти»,
«Агитатор блокноти»,
«Блокнот агитатора»,
«Социалистик Ўзбекистон»,
«Муштум».
«Ўзбекистон хотин-қизлари»,
«Шарқ юлдузи»,
«Звезда Востока»,
«Пионер»,
«Фан ҳақида суҳбатлар»,
«Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон жамиятларининг лекциялари».

Обуна «Союзпечать»нинг шаҳар ва район бўлимларида, алоқа конторалари бўлимлари ва агентликларида, шунингдек почтальонлар, ўқув юртлари ва муассасалар, фабрика ва заводлар, МТС, колхоз ва совхозлардаги жамоат обуна вакиллари томонидан қабул қилинади.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриёти.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ. Тошкент. «Правда Востока» кўчаси № 34 РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 136. Пропаганда бўлими — 136. Совет қурилиши бўлими — 135 Маданият бўлими — 132 Адабиёт ва санъат бўлими — 39040 Қишлоқ хўжалик бўлими — 135 Саноат ва транспорт бўлими — 132. Секретариат — 34048. Э'лонлар бўлими — 38142.

Р. 09606. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № А — 1506.